# ЁШЛАР, ПАХТАЧИЛИКНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШДА АВАНГАРД БЎЛИНГ!

## ЁШ МЕХАНИЗАТОР ПАХТАКОРЛАР БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Механизатор пахтакорлар, Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари бўлган сизларни партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан самимий табриклайман. Пахтакор республикаларда кўп марталаб бўлганман ва колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари мамлакат экономикаси учун жуда аҳамиятли бўлган пахта етиштиришни кўпайтириш йўлида нақадар зўр иш олиб бораётганликларини кўрганман.

Сиз, механизаторлар пахта ҳосилини қандай қилиб тезроқ, яхшироқ ва нобудгарчиликка йўл қўймай териб олишдек катта ва муҳим вазифани мухокама қилиш учун тўпландингиз. Механизатор эса қишлоқда энг биринчи одам, ҳосилнинг тақдири унинг меҳнатига ва маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Пахтачиликнинг тақдири кетмонга эмас, балки машинага боғлиқ эканлигини исбот қилишимизга тўғри келган вақтлар бўлган эди. Партиянинг йўли тўғрилигини турмуш исботлаб берди. Эндиликда комплекс механизацияга, машинага қаттиқ таянмай туриб, арзон пахта олиш асло мумкин эмас.

Партия Ленин васиятларига амал қилиб, комплекс механизациялаш ва интенсивлаш негизида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида катта тадбирларни амалга оширди, қишлоқда техника тараққиётини ўтказувчи механизаторларнинг ажойиб кадрларини тарбиялаб етиштирди. Ҳамма жойда, ҳар бир колхоз ва совхозда трактор ва пахта териш машинасининг рулида йигитлар ва қизлар ўтирганлигидан қувонмоқдамиз. Ўрта Осиё, Закавказье республикаларида ва Қозоғистонда икки мингга яқин комсомол-ёшларнинг комплекс механизация бригадалари гектар бошига камида 30 центнер пахта олиш учун мусобақа қилаётганлигини эшитиб, хурсанд бўлдим. Бу — жуда яхши иш. Мамлакатимизда пахта етиштиришни кўпайтириш учун кураш намунасини ёшлар кўрсатмаса ким кўрсатади.

Сиз, азиз дўстларнинг мўл ҳосил учун курашда химия, комплекс механизация, илғор агротехника, фан муваффақиятлари, ўзларингиздан катта ўртоқларнинг бой тажрибаси сингари ишончли ва содиқ кўпгина иттифоқчиларингиз бор. Сизларда тенглашишга арзийдиган, ўрнак олишга арзийдиган кишилар бор! Жавод Кўчиев ва Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Омон Чориев ва Саодат Нўғоева, Райхон Усканбоева ва Шоди Расулов, Ҳалимахон Шомирзаева ва Гоар Асатрян, Сардор Имранлев Қувондиқ Абдураззоқов ва бошқа кўпдан-кўп ажойиб мўл ҳосил усталари бор.

Улар эришаётган ютуқларнинг сири нимада? Бу сир аввало, шундан иборатки, улар ғўза парваришини комплекс механизациялаштирмоқ учун техникани яхши ўзлаштириб олдилар. Сизлар пахта етиштиришни кўпайтириш билан бир вақтда мамлакатда энг арзон пахта бераётган мана шу новатор механизаторларнинг махоратини мукаммал эгаллаб олишларингиз керак.

Сиз, механизаторлар колхозчилар ва совхоз ишчилари билан бирга баҳорда ва ёзда аъло даражада меҳнат қилдиларингиз. Пахта далалари ҳосилнинг яхши бўлишидан дарак бериб турибди. Энг муҳими шуки, пахтани ўз вақтида ва нобуд қилмай териб олиб, давлатга 5 миллион 222 минг тонна пахта топшириш тўғрисида пахтакорлар олган мажбуриятларни бажариш керак.

Механизаторлар бу ишга катта ҳисса қўшишлари лозим. Сизлар бир миллион тоннадан кўпроқ пахтани машиналарда териб олишингиз керак. Ёш пахтакорлар ҳозирдан бошлаб, кўп нарсаларни ўйлаб қўйишлари лозим. Аввало, пахта териш агрегатларининг ҳаммасининг қуватидан тўла фойдаланиш учун техникани ва далаларни намунали равишда тахт қилиб қўйиш керак. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, пахта териш машиналари албатта, икки сменада ишлайдиган бўлсин, машинада терилган пахта эса бункердан олиниб, поток усулида тайёрлаш пунктларига юборилиб туриладиган бўлсин.

Сиз, азиз дўстларга меҳнатда катта муваффақиятлар тилашга ва пахтани машинада териш соҳасида олдингизда турган масъулиятли вазифаларни шараф билан бажармоқ учун ёш пахтакор механизаторлар ҳамма чораларни кўрадилар, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Н. ХРУШЧЕВ.


*БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 164 (2802). | Жума, 21 август 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.


## ЁШ ПАХТАКОР МЕХАНИЗАТОРЛАР МАСЛАҲАТЛАШМОҚДАЛАР

Навоий номидаги опера ва балет театри олдидаги қўёш ёғду сочиб турган майдонда «зангори кема»лар ҳал қилувчи штурмга шайланган жанговар машиналар сингари саф тортиб турибди. Уларнинг капитанлари эса театр залида ўзларининг традицион Бутуниттифоқ кенгашларига тўпланганлар.

Мамлакатдаги барча пахтакор республикаларда бўлган ёш механизаторларнинг вакиллари пахта терими арафасида ўзларининг жанговар марраларини белгилаб олмоқ, пахта далаларининг ёш азаматлари олдига партия қўйган юксак талабларни бажариш йўлларини мўлжаллаб олмоқ учун бу ерда 20 августда бошланган кенгашга тўпланишди.

Залдагиларнинг ҳаммаси гарчи ёшлар бўлса ҳам, аммо кенгаш қатнашчиларининг кўксидаги олтин юлдузчалар ва орденлар шу йигитлар ва қизларнинг ҳаммаси катта ижодий камолатга етган, катта меҳнат тажрибасига эга бўлган кишилар эканлигини кўрсатиб турибди. Совет пахтачилигида техника тараққиётини бошлаб берадиган кишилар мана шуларнинг ўзи. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тезроқ интенсивлаш учун курашнинг олдинги сафида турган кишилар ҳам мана шуларнинг ўзи.

### ПАХТАЧИЛИК РЕЗЕРВЛАРИНИНГ КЎРИГИ

Ёш пахтакор механизаторларнинг Бутуниттифоқ IV кенгашини ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари **А. И. Камшалов** очди.

Биз, деди у, меҳмондўст ўзбек элида тўртинчи марта тўпланиб турибмиз. Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказье қардош республикаларидаги ёш пахтакорларнинг слетларини ўтказиш яхши традиция бўлиб қолди, пахтакорларнинг меҳнат муваффақиятларига, пахта етиштиришни кўпайтириш резерваларига ўтказиладиган кўрикка айланди, пахта далаларидаги ёш меҳнаткашларнинг меҳнат байрами бўлиб колди.

Пахтакор республикаларнинг ёшлари ҳамиша ўз слетларига ўзларининг меҳнат совғаларини бағишлайдилар. Бизлар ғўза парвариш қилишни комплекс механизациялаштириш, пахтани машинада теришга тайёрланиш ва уни ўтказиш, КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини бажаришда тағин ҳам активроқ қатнашиб, бундан буён қиладиган ишларимиз тўғрисида маслаҳатлашиб олмоқ учун тўпланишдик.

Бу сафарги кенгашда қатнашаётган энг яхши ёш пахтакорлардан саккиз юз киши ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан шу кенгашда иштирок қилиш ҳуқуқини олишга муваффақ бўлдилар. Булар орасида Ўзбекистон, Тожикистон, Озарбайжон, Туркманистон, Арманистон, Қирғизистон ва Қозоғистондаги колхозлар ва совхозларда ишлаб турган комсомол ёшлар комплекс бригадаларининг раҳбарлари, ёш механизаторлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва комсомол ходимлари бор.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосарлари В. К. Акулинцев ва С. М. Веселов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат Қ. Муртазоев, СССР Госземводхози ҳузуридаги Ўрта Осиё пахтачилик Давлат комитетининг раиси В. Н. Куликов, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Абдуллаева, қардош республикалар комсомоли Марказий Комитетларининг секретарлари, пахтачилик илғорлари ва новаторлари кенгаш президиумидан жой оладилар.

Кенгашнинг фахрий қатнашчиси, СССРнинг биринчи космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Юрий Алексеевич Гагарин президиумга чиқиши билан ҳамма уни самимий кутиб олади.

Содиқ ленинчи, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун атоқли курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Президиуми кенгашнинг фахрий президиумига гулдурос қарсаклар остида сайланади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев кенгашга юборган табрикни Ш. Р. Рашидов ўқиб эшиттирганида залда овация янада зўр куч билан бошланиб кетади. Ёш пахтакорлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ўзларининг ролларига юксак баҳо берилганлиги учун, пахта далаларининг меҳнаткашларига оталарча ғамхўрлик қилинаётганлиги учун партия ва ҳукуматга чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиладилар.

(Давоми иккинчи бетда).

### СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ РУМИНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 20 август. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. И. Микоян бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети, Руминия Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва РХР Министрлар Советининг таклифига биноан, бугун Москвадан Бухарестга жўнаб кетди. Делегация Руминия фашистлар асоратидан озод қилинган кунининг 20 йиллигини байрам қилишда қатнашади.

Шереметьево аэродромида делегацияни Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, Д. С. Полянский, Л. Н. Ефремов, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков ва бошқа ўртоқлар, шунингдек Руминия Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Николае Гуинэ кузатиб қўйдилар.

## МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН ҒАЛЛАЧИЛИК ЗВЕНОЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ *ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ БАРЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИГА* ***МАКТУБИ***

Қимматли ўртоқлар! Областимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритиш билан кутиб олмоқдалар. Колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва сув хўжалиги мутахассислари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари, Ўзбекистондаги барча меҳнаткашлар, Ўзбекистон ССРнинг колхозлари ва совхозлари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, 10 августда — давлатга ғалла сотиш юзасидан социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида КПССнинг ленинчи Марказий Комитетига, СССР Министрлар Совети ва шахсан ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевга зўр қувонч билан маълум қилдилар.

Ватан омборларига 15,3 миллион ўрнига 35 миллион пуд ғалла етказиб берилди.

Областимизнинг колхозлари ва совхозлари эса 7 августга қадар давлатга 4 миллион 703 минг пуд — ўтган йилдагидан 2 миллион 300 минг пуд знёд ғалла топширдилар.

Юқори Чирчиқ, Бўка, Янгийўл, Калинин ва Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари айниқса фидокорона меҳнат қилдилар.

Ғалла мўл-кўллигини вужудга келтириш учун олиб борилган курашга Оққўрғон, Бекобод ишлаб чиқариш бошқармаларининг хўжаликлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар. Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Коммуна», «Ўзбекистон», Ленин номли, Гулистон, «Политотдел», Янгийўлдаги Свердлов номли, Карл Маркс номли, Ўрта Чирчиқдаги «Коммунизм», «Полярная звезда», Свердлов номли колхозлар, Бекобод бошқармасидаги Дзержинский номли колхоз, 1-«Оҳангарон», «Қўкорол», «Тошкент наслчилик» совхозлари ва бошқа хўжаликларнинг ғаллакорлари ҳам қаҳрамонона меҳнат қилдилар. Жуда кўп юзцентнерчи комсомол-ёшлар звенолари мўл ҳосил учун курашнинг биринчи даврасида зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Янгийўлдаги Свердлов номли колхозидан А. Усмонов, «Ленинизм» колхозидан М. Орипова, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан Н. Жўрабоев, Оққўрғондаги «Москва» колхозидан Д. Шоҳимардонов, Калинин бошқармасидаги «Правда» колхозидан С. Султонов сингари ўртоқлар бошлиқ звенолар ҳар гектаридан 40 центнердан ва ундан ошиб буғдой ҳамда арпа ҳосили олдилар.

Юқори Чирчиқдаги Свердлов номли колхозда 1845 гектар баҳорикор ернинг ҳар гектаридан 15,1 центнердан бошоқли дон экинлари ҳосили йиғиб олинди. Шу бошқармадаги «Қизил ту» колхозида 965 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 12,8 центнердан буғдой олинди. Бу ва шу сингари хўжаликларнинг илғор бригадалари ва звеноларида гектаридан олинган ғалла ҳосили 18 центнерданга етди ва ундан ҳам ошиб кетди.

Механизациялаштирилган 312 звено ажойиб муваффақиятларга эришди. 1-«Оҳангарон» совхозидан И. Холбоев, «Тошкент наслчилик» совхозидан Х. Боймоқов, Ўрта Чирчиқдаги «Коммунизм» колхозидан Н. Нигматуллин, «Полярная звезда» колхозидан Н. Ким, «Қўкорол» совхозидан Н. Аханов ва Б. Шарипов ва бошқа механизаторлар айниқса юқори меҳнат унумига эришдилар.

Любовь Линнинг юзлаб издошлари маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг табригидан руҳланиб, биз, механизациялашган ғаллачилик звеноларининг бошлиқлари оз меҳнат ва маблағ сарф қилиб янада кўпроқ дон етиштириш тадбирлари ҳақида маслаҳатлашиб олиш учун кенгашга тўпландик.

Биз мавжуд резервлардан ҳали тўла фойдаланаётганимиз йўқ. Деҳқончилик маданиятини тинмай юксалтира бориш керак. Бу ҳақда гапирар эканмиз ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг: «Деҳқончилик маданиятини ваъзхонлик билан юксалтириб бўлмайди. Агар фақат деҳқончилик маданиятини оширишга чақирсанг-ку, лекин ерни вақтида шудгор қилмасанг, агар бегона ўтларга қарши кураш ҳақида гап сотсангу, далангни ўт босиб ётса, қандай қилиб буни деҳқончилик маданияти, деб бўлади. Қандай уруғ экиш лозимлигини, мазкур зонада қайси навдаги қишлоқ хўжалик экини кўпроқ ҳосил беришини билмай туриб деҳқончилик маданияти тўғрисида гапириб бўладими, ахир» деган доно сўзлари ёдимиздан чиқмаслиги керак.

Кузги дон экишга тайёргарликни ҳозирнинг ўзидаёқ кенг кўламда қизитиб юбориш лозим. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, бизнинг шароитимизда кузги дон экиш ғалладан юқори ва барқарор ҳосил олишини таъминлайди. Кузги ғалла экишда бошоқли дон экинларининг районлаштирилган урўғини танлаб олиш, жумладан буғдойнинг «Безостая-1», «Красная звезда», «Сурхон», арпанинг «Унумли арпа» навларини экиш мақсадга мувофиқдир.

Ғалла экиш учун ажратилган майдонлар ўз вақтида ва сифатли шудгор қилиниб, экиш ҳам барча агротехника қондаларига риоя қилинган ҳолда энг яхши муддатларда ўтказилган тақдирдагина уруғ ёпасига ундириб олинади ва мўл ҳосил етиштириш мумкин бўлади.

Ҳар бир звено ўзига биркитиб қўйилган техникани тайёрлаш, ер ҳайдаш ва кузги дон экишга тайёргарлик кўришга ҳозирдан киришсин. Ана шундагина гектарларнинг тўла бўлишига эришилади.

Бу йил бир қатор хўжаликларда бошоқли дон экинларини парвариш қилишда, айниқса ўрим-йиғим даврида кўплаб қўл меҳнати сарф бўлди, машиналардан ёмон фойдаланилди. Биз ер ҳайдаш, далаларни экишга тайёрлаш, экиш, ғаллани ўриш ва далаларни тозалаш ишларини тўла механизациялаштириш мажбуриятини оламиз.

Биз 1965 йилда бошоқли дон экинларини механизациялаштирилган звенолар етиштиришига эришамиз. Ҳар бир звенога 250—300 гектардан баҳорикор ер биркитиб қўйилади. Фақатгина баҳорикор ерга эга бўлган звеноларгагина баҳорикор беда, дуккакли ва бошқа экинлар биркитиб қўйиш керак. Бу техника ва ишчи кучларидан бутун йил давомида унумли фойдаланишни таъминлайди.

Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалигини юқори унумли янги машиналар билан таъминлаб турибди. Бизнинг вазифамиз ана шу техникадан тўғри ва ишнинг кўзини билиб фойдаланишдир.

Ҳозир шоли, маккажўхори, оқжўхори парвариши билан банд бўлган звеноларнинг энг қизғин дамлари келиб етди. Звеноларнинг ҳар бир аъзоси экиларни юқори сифатли парвариш қилишни таъминласин, қолган ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, ўтдан тозалаш, суғориш ва ҳосил йиғимига тайёргарлик ишларини қизитиб юборишга бутун куч ва ғайратини сарф қилсин.

Биз ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қишлоқ хўжалигида меҳнатга ишнинг бевосита натижасига қараб ҳақ тўлаш тўғрисидаги кўрсатмасини қизғин қўллаб-қувватлаймиз ва ғаллачиликда ҳам гектарларга қараб эмас, етиштирилган дон ҳосилининг миқдори, сифати ва унинг таннархига қараб ҳақ тўлаш тартибини чин қалбдан табриклаймиз.

Суғориладиган ерлардан моҳирлик билан фойдаланиб, ҳар бир гектар ердан икки марта ҳосил олиш ғалладан мўл ва барқарор ҳосил олиш йўлида бошланган курашда муҳим роль ўйнайди. Бизнинг шонли ёшларимиз ҳар гектаридан юз центнердан ҳосил олиш учун қизғин курашмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки ҳосил йиғиб олинди. Кўпгина бригадалар ҳар гектар ердан 40—50 центнердан ғалла олдилар. Хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари зиммага олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришда юзцентнерчи бригадаларга ҳар тарафлама ёрдам берсинлар.

Қимматли ўртоқлар! Биз жонажон республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун зиммага олган мажбуриятимизни шараф билан бажаришга ахд қилдик ва дўстларимиз —пахтакор-механизатор тюпкочиларни ҳам юбилейни муносиб кутиб олиш, она-Ватанга 315 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан зиммага олинган мажбуриятни муддатидан илгари бажаришга чакирамиз.

МАКТУБ КЕНГАШ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, ҚАБУЛ ЭТИЛГАН.

## БИРИНЧИ КОСМОНАВТ ЯНА ЎЗБЕКЛАР ДИЁРИДА

Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳамда биринчи бўлиб космоса йўл очган Юрий Алексеевич Гагарин ўртасида унутилмас учрашув бўлиб ўтган эди. Биринчи космонавт 19 августда яна ўзбеклар диёрига келди. Мамлакатимизнинг ёш механизатор-пахтакорлари уни ўзларининг тўртинчи Бутуниттифоқ слётларида қатнашиш учун таклиф қилдилар. Бу слёт кеча Тошкентда очилди.

...Қуёш нурига чўмган Тошкент аэропортининг перрони гулдасталар билан безатилган. Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари, механизаторлар слётининг қатнашчилари, партия, совет, комсомол ходимлари азиз меҳмонни табрикламоқ учун бу ерга келдилар.

Бу ердаги кишиларнинг ҳар бири космонавт билан кўришишни истар эди. Лекин тошкентлик пионерларнинг ақил тўдаси перронга югуриб чиққанида, ҳамма уларга йўл беради.

— Қанчадан-қанча гуллар! — жилмаяди Юрий Алексеевич. — Мен бу гулларга кўмилиб кетаман-ку.

У, болаларни қучади, уларга энгашади. Болалар унинг бўйнига қизил галстук боғлайдилар.

Уни кутиб олувчилар орасида учувчилар кўп. Космонавт самовий дўстлари билан самимий саломлашади.

Слётда қатнашмоқ учун ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. И. Камшалов ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. А. Гагарин билан бирга Тошкентга келди.

(ЎзТАГ).

Суратда: ёш пахтакор механизаторларнинг Бутуниттифоқ слетига қатнашаётган қардош Қозоғистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Арманистон республикаларидан келган делегатлардан бир группаси.

М. Нуриддинов фотоси.

# ЁШ ПАХТАКОР МЕХАНИЗАТОРЛАР МАСЛАҲАТЛАШМОҚДАЛАР

(Боши биринчи бетда).

## КУРАШГА ОТЛАНИЛДИ! ОЛҒА, КОМСОМОЛЛАР!

«Комплекс механизацияни пахтачиликда жорий қилиш ва пахтани машинада териб олишга тайёрланиш учун курашда комсомол ташкилотларининг, ёш пахтакорларнинг иштироки тўғрисида» доклад қилиш учун сўз КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси Раисининг ўринбосари С. М. Веселовга берилади.

Ёш механизатор пахтакорларнинг Бутуниттифоқ IV кенгаши, дейди докладчи совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини амалга оширмоқ учун, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг жуда катта программасини рўёбга чиқармоқ учун фидокорона меҳнат қилаётган кунларда тўпланди.

Пахтакор республикаларнинг меҳнаткашлари коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Саноат корхоналарининг коллективлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг етти ойлик планини муддатидан олдин бажардилар. Капитал қурилиш ҳажми ўсиб бормоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги ҳамма тармоқларни янада юксалтиришга қаратилган қарорларини бажармоқ учун актив кураш бошлаб юбордилар.

Ғалла фронтида эришилаётган меҳнат ғалабалари тўғрисида ҳозир улуғ Ватанимизнинг ҳамма томонидан хуш хабарлар келмоқда. Ўрта Осиё ғаллакорлари умумиттифоқ ғалла жирмонига биринчи бўлиб ўтмоқда. Шимолий Кавказ қишлоқ хўжалик ходимларининг ўтган йилги кенгашида Никита Сергеевич Хрущев дон экинларидан муттасил ҳосил олмоқ учун сугориладиган деҳқончиликнинг катта резервлари борлигига ҳаққоний равишда эътиборни жалб қилган эди. Ўрта Осиё республикаларида пахтачиликка зарар етказмай туриб 850 минг гектар ерга ғалла экиш мумкинлигини кўрсатиб берган эди. Ўрта Осиё пахтакорлари Н. С. Хрущевнинг бу маслаҳатлари ва кўрсатмаларини жанговар программа деб қабул қилиб ва бажариб, сугориладиган ерлардан рационал фойдаланиш соҳасида катта иш қилдилар ва 1964 йилда сугориладиган ерларнинг 854 минг гектарига, яъни ўтган йиллагига қараганда 279 минг гектардан кўпроқ ерга дон экинлари экдилар.

Суратда: Бутуниттифоқ ёш механизаторлар слётига Тошкент областидан қатнашаётган бир группа делегатлар: (юқорида чапдан ўнгга) Оққўрғондаги «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозининг кўчиевчи звено бошлиғи Ф. Собиров, Бўкадаги 1-«Пискент» совхозининг кўчиевчи звено бошлиғи М. Шоазимов, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинский путь» колхозининг механик-ҳайдовчиси З. Бурҳонов, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Северний маяк» колхозининг механик-ҳайдовчиси М. Габидова, Бекобод ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси А. Рўзиматова, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Северний маяк» колхозининг механик-ҳайдовчиси М. Масагутова ва Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Войтинцев номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Ғ. Исмонлова ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.

ри актив роль ўйнашлари лозим. Маккажўхорини парвариш қилишни комплекс механизация усулида олиб борадиган қанча комсомол ёшлар бригадаси ва звенолари тузиш, бунинг учун қанча ер ажратиш, бригадаларга кимларни бошлиқ қилиб қўйиш мумкинлигини ўйлаб кўриш керак. Комсомол ташкилотлари бу муҳим ишга шундай тайёргарлик кўришлари керакки, ҳар бир бригада суғорилган ерларнинг ҳар бир гектарига 11 центнердан мўлроқ ўғит солинди. Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан қўшиб солинган ерларда, энг кўп самара олинаётганлигини илғор колхозлар ва совхозларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди.

Қишлоқ меҳнаткашлари, комсомоллар ва ёшлар химия мувафақиятларини деҳқончиликка жорий қилиш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми мамлакатда пахта етиштиришни 1970 йилда 6 миллион 800 минг тоннага етказиш вазифасини қўйди. Бу — енгил вазифа эмас. Бу вазифани фақат қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўли билан, ўғитлардан кенг фойдаланиш, сугориладиган деҳқончиликни ривожлантириш ва комплекс механизация асосида ҳал қилиш мумкин. Қишлоқ хўжалигини интенсивлашга, ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил қилишга таалуқли масалалар КПСС Марказий Комитетининг якинда ўтказиладиган Пленумида кўрилажаги партия КПСС Программасини зўр бериб, изчиллик билан, тобора кўпроқ ғайрат билан кенг қўламда амалга ошираётганлигини кўрсатиб турибди.

1970 йилга қадар Ўрта Осиёда 1 миллион 300 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш, янги, катта сув омборлари, гидроузеллар ва каналлар қуриш мўлжалланмоқда. Ирригация қурилиши ва сугориладиган ерларни кенгайтириш ишида комсомол ташкилотларининг роли катта. Нарак, Чорвоқ, Кампирровот, Тўқтоғул сув омборлари, Қорақум канали ва бошқа шулар каби бир қанча катта иншоотлар Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишлари бўлиб қолди. Бу қурилишларни тезроқ битказиб ишга туширишда партия ташкилотларига ва бинокорларга кўмаклашиш пахтакор республикаларидаги комсомол ташкилотларининг шарафли ишидир.

Ўғитларни кенг ва самарали қўлланиш хўжаликни интенсив юритишнинг асосий шартларидан биридир. Пахтакор хўжаликларни мамлакат ўғитлар билан мўл-кўл таъминламоқда. Ўтган йил Ўрта Осиё республикаларида чигит экилган ерларнинг ҳар бир гектарига 11 центнердан мўлроқ ўғит солинди. Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан қўшиб солинган ерларда, энг кўп самара олинаётганлигини илғор колхозлар ва совхозларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди.

Қишлоқ меҳнаткашлари, комсомоллар ва ёшлар химия мувафақиятларини деҳқончиликка жорий қилиш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми мамлакатда пахта етиштиришни 1970 йилда 6 миллион 800 минг тоннага етказиш вазифасини қўйди. Бу — енгил вазифа эмас. Бу вазифани фақат қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўли билан, ўғитлардан кенг фойдаланиш, сугориладиган деҳқончиликни ривожлантириш ва комплекс механизация асосида ҳал қилиш мумкин. Қишлоқ хўжалигини интенсивлашга, ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил қилишга таалуқли масалалар КПСС Марказий Комитетининг якинда ўтказиладиган Пленумида кўрилажаги партия КПСС Программасини зўр бериб, изчиллик билан, тобора кўпроқ ғайрат билан кенг қўламда амалга ошираётганлигини кўрсатиб турибди.

Лекин пахтани териб олиш пахтачиликдаги энг қийин иш бўлиб қолмоқда. Пахтачиликда сарфланаётган жамики қўл меҳнатининг ярмини ҳосилни териб олишга сарф бўлмоқда. Ҳар йил юз минглаб ишчилар, хизматчилар, студентлар, ўқувчилар пахта теришга тортилмоқда ва шу тарика ишлаб чиқариш манфаатларига ва кадрлар тайёрлаш ишига маълум зарар етказилмоқда. Бундай аҳволга энди ортиқ тоқат қилиб бўлмайди.

Пахта териш техникасигина пахтакорга ёрдам бериши, унинг меҳнатини осонлаштириши мумкин. Техникадан фойдаланиш қандай натижалар бераётганлигини Андижон областидаги Совой совхозининг намунаси яхши кўрсатиб турибди. Ўтган йил бу совхозда 125 та терим агрегати ишлади. Пахта топшириш плани 20 иш кунида бажарилди. 15 ноябргача эса далада ҳосил батамом териб олинди. Ҳар бир гектардан 34,4 центнер пахта олинди. Пахтанинг ҳар бир тоннасини териб олишга бўлаётган бевосита сарфларни тежаш 24 сўм 90 тийинни ташкил қилди. Совхоз терим ишларига шаҳар аҳолисидан бир кишини ҳам тортгани йўқ. Бемалол айтиш мумкинки, совхоз терим техникасидан кенг фойдаланиш натижасида кейинги йилларда жуда юксалиб кетди, мамлакатимизда энг илғор ва рентабел хўжаликдан бири бўлиб қолди.

Ўтган йил «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ҳосилнинг 63 процентини, «Малик», «Ҳазарбоғ» «Пахтаорол» совхозлари, Янги ер ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм», Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград». Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозлари ва Ўзбекистоннинг бошқа бир қанча хўжаликлари ҳосилнинг эллик процентини ва ундан ҳам кўпроғини машинада териб олдилар. Ўш областидаги «Коммунизм» колхози ва «Қорасув» совхози, Тожикистон ССРдаги «Ленинобод» совхози ва Куйбишев номли колхоз, Туркманистон ССРдаги «ВЛКСМ 40 йиллиги» совхози, Озарбайжон ССРнинг Имишли бошқармасидаги 5-совхоз ва бошқа кўпгина хўжаликлар пахтани машинада теришда юксак даражага эришдилар.

Республикаларда, деди докладчи, пахта териш машиналари механизаторлари ва ҳайдовчиларининг ажойиб кадрлари ўсиб етишди. Ўтган йил Ўзбекистонда 544 механик ҳайдовчининг ҳар бири 100 тонна ва ундан кўпроқ пахтани машинада териб берди. Донгдор механизаторлардан Жавод Кўчиев ва Мамажон Дадажоновлар эса, тўрт қаторли агрегатлар билан ҳар бири 300 тоннадан кўпроқ пахта териб топширдилар. Мамажон Дадажонов ёш пахтакорларнинг ўтган йилги слётида берган ваъдасини шараф билан бажарди. Мирзачўлик Қувондиқ Абдураззоқов, хоразмлик Ҳалимахон Ҳошимова, андижонлик Омонхон Исмоилова ва бошқа илғор механизаторлар ҳам пахтани машинада теришда яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Қирғизистон ССРда 15 механик ҳайдовчининг ҳар бири 100 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахтани машинада териб берди. Бу республикада қизлардан Ҳалимахон Шомирзаева 150 тонна, Зулфия Тожибоева 115 тонна, Саодат Нўғоева 112 тонна пахтани машинада териб энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Ўш областида ҳеч бир йигит шу қизлардан кўра яхшироқ кўрсаткичга эриша олгани йўқ. Ўш областининг қизларига, дейди докладчи бундан буён ҳам пахтани машинада теришда биринчиликни қўлдан бермасликларини тилаймиз. Шу билан бирга йигитлар ҳам ўтган йилнинг сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб олишлари лозим.

Тожикистон ССРнинг Восе ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз аъзоси Гавҳар би Фироқованинг ажойиб ишларини айтиб ўтиш керак. Ўтган йил у колхоз комсомол ташкилотининг секретари бўлиб ишлаб, ўн олти қизга шахсан ўзи ўрнак бўлди ва бу қизларнинг ҳаммаси пахта теришда машиналарининг штурвалларини қўлга олдилар. Колхоз пахтани биринчи марта машинада теришга киришиб, минг тоннадан кўпроқ ҳосилни машинада териб олди. Бу ишда комсомол ташкилотининг, унинг бошлиғи Гавҳар би Фироқованинг ҳам хизматлари катта, албатта. Бу шонли қиз ҳозир бригада бошлиғи бўлиб ишлаб, гектар бошига 40 центнер пахта етиштиришга ва бутун пахта майдонининг 80 процентидаги ҳосилни машинада териб олишга ваъда бермоқда. Тожикистон комсомоли ундан намуна олиб, пахта теришни механизациялашни кенг жорий қилиш учун катта иш бошлаб юборишги керак.

Туркманистон ССРда ҳам пахтани машинада териш усталари оз эмас. Бу республикада ўтган йил «Байрамали» совхозида Омон Чориев 164 тонна пахтани машинада териб топширди. Қозоғистон ССРнинг Чимкент областидаги «Келес» совхозида Райхон Усканбоева машинада 100 тоннадан кўпроқ пахта терди. Озарбайжон ССРдаги 5-совхозда Дилафруз Ўжақулиева машинада 150 тонна пахта терди.

Мамлакатимиз пахтакорлари ҳақли равишда фахрланишга арзийдиган бошқа кўпгина ёш механизаторларнинг номларини айтиб бериш мумкин. Шу билан бирга, шуни айтиб ўтиш керакки, пахта теришни механизациялаш жуда қониқарсиз жорий қилинмоқда. Ўтган йил машинада терилган пахта Ўзбекистон ССРда атиги 16 процентни, Қирғизистон ССРда 18 процентни, Озарбайжон ССР да 6 процентни, Тожикистон ССРда 4 процентни, Туркманистон ССРда 8 процентдан камроқни, Қозоғистон ССРнинг Чимкент областида 7 процентни ташкил қилди. Ҳар бир машина билан Ўрта Осиёда ўрта ҳисобда 40 тоннадан камроқ, Тожикистон ва Туркманистон республикаларда эса, ҳатто 19—20 тонна, Озарбайжон ССРда 13 тонна пахта терилди.

Айни вақтда «Совой», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» «Ҳазарбоғ» сингари илғор хўжаликларда бир агрегат билан 83—89 тонна пахта терилди. Агар Ўрта Осиёда ҳар бир машина 70—80 тонна пахта терганда эди, машинада терилган пахтанинг салмоғи икки баравар кўпайган бўлар эди.

## ТЕРИМНИ ШАЙ БЎЛИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Ўрта Осиё республикалари, Озарбайжон, Арманистондаги ва Қозоғистон ССРнинг Чимкент областидаги қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил Ватанга 5 миллион 220 минг тонна пахта бериш мажбуриятини олишган. Ҳозир пахта далаларида ҳосил тўплаш учун қизғин кураш бормоқда.

Комплекс механизациялашган минглаб бригада ва звенолар мамлакатнинг атоқли механизаторлари Жавод Кўчиев билан Валентин Тюпкодан намуна олиб ишламоқда. Кўчиев бригаласи бу йил ҳар бир ишчи ҳисобига 50 тоннадан пахта етиштириш учун курашмоқда. Валентин Тюпко 2-«Оққўрғон» совхозида бошчилик қила бошлаган 15 та қолоқ звено ҳар гектар ердан 26 центнер ҳосил олишга ваъда берди. Бу звеноларда ҳар бир ишчига олти-етти гектардан ер тўғри келади, шунинг учун асосий ишларнинг ҳаммаси машинада бажарилмоқда. Тошкент областида ҳозирдаёқ уч минг звено Тюпко технологияси асосида ишлаб, ғўзаларнинг 80 процентини парвариш қилмоқда.

Мамлакатнинг машҳур механизатори Турсуной Охунова бошлиқ бригада фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқда. Турсуной ўтган йили слётда сўзга чиқиб, пахта ҳосилдорлигини нескин оширишга ваъда берган эди. Слётдан кейин у, колхознинг энг қолоқ бригадасига ўтиб ишлай бошлади. Ана шу бригадада ҳосилдорлик бир йилда икки баравардан зиёд кўпайиб, 40,6 центнерга етди. Илғорлар сафига чиқиб олган бригада ҳозир гектар бошига 45 центнер пахта олиш учун курашмоқда. Коллективга ишнинг кўзини билиб, моҳирлик билан раҳбарлик қилишда ана шундай ҳикмат бор. Тожикистонда Шоди Расулов, Қирғизистон ССРнинг Ўш областида Арафатхон Хўжахонова, Туркманистонда Авлиёқули Отажонов, Озарбайжонда Риза Ражабов бошлиқ комсомол-ишларнинг комплекс механизациялашган бригада ва звенолари ҳамда бошқа кўпгина коллективлар ўз мажбуриятларини бажариш йўлида мувафқиятли ишламоқдалар.

Бироқ, бир қанча ишлаб чиқариш бошқармаларида комплекс механизациялаштирилган бригадаларнинг аҳамиятига етарли баҳо берилмаяпти. Кўпинча меҳнатни янгича ташкил этишга расмиятчилик билан қараш, бригада ва звеноларни зарур техника билан таъминламаслик фактлари учраб туради. Шуниси муҳимки, комсомол ташкилотлари комплекс механизациялаштирилган бригада ва звенолар тузиш ҳамда ана шундай бригада ва звеноларнинг ишини ташкил этиш соҳасида кенг кўламда конкрет иш олиб борсинлар. Яқин йиллар ичида пахта майдонларининг аксарий қисми янги, прогрессив технология асосида ишланадиган бўлишига эришмоқ зарур.

Мамлакатдаги колхоз ва совхозлар бу йил бир миллион етмиш минг тонна пахтани машиналарда териш мажбуриятини олдилар. Бу ўтган йилдагидан бир ярим баравар кўпдир. Ўзбекистон ССР машинада 750 минг тонна, Қирғизистон 45 минг тонна, Озарбайжон 80 минг тонна, Тожикистон 90 минг тонна, Туркманистон 84,4 минг тонна, Қозоғистон ССРнинг Чимкент области 25,2 минг тонна пахта теради.

Машина терминнинг атоқли усталаридан Жавод Кўчиев, Валентин Тюпко, Турсуной Охунова, Мамажон Дадажонов, Саодат Нўғоева, Райхон Ускенбоева, Шоди Расулов, Ҳожи Амиров, Омон Чориевлар барча механизаторларга раҳбарларига мурожаат қилиб, уларни пахтани машинада теришга намунали ҳозирлик кўришга чақирдилар. Уларнинг ҳар бир машина билан 70—80 тонна пахта терайлик, деган даъвати механизаторлар орасида кенг маъқуллаб кутиб олинди. Ҳозир комсомол ташкилотлари теримгача қолган кунлар ичида машиналарнинг икки сменада ишлаши учун зарур миқдорда механик-ҳайдовчилар тайёрлашлари, уларнинг малакасини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқлари керак.

Колхоз ва совхозлар машина теримига қандай тайёргарлик кўраётганлиги якинда Ўрта Осиё республикаларида ўзаро текширишлар ўтказилиб, жиддий камчиликлар очиб ташланди.

Далаларнинг дефолиацияга ўз вақтида ҳозирлаб қўйилишини контрол қилиб турувчи комсомол постларининг фаолиятини кучайтириш, бу прогрессив тадбирга халақит беришга қаратилган ҳар қандай уринишларга қатъиян чек қўйиш лозим. Машина теримни учун майдонларни ажратишда бир қанча хўжаликларда йўл қўйилган қўпол хатоларни ҳам йўқотиш зарур. Ҳар бир машина учун мавсумда теришга ажратилган майдон миқдори кам деганда 35—40 гектар бўлиши шарт.

Ўсишдан орқада қолаётган участкаларни яхши участкаларга тенглаштириб олиш учун ҳали етарли вақтимиз бор. Олинган мажбуриятларнинг бажарилиши пахта далаларида қунт ва ғайрат билан ишлашга боғлиқ эканлигини тушуниб олиш керак. Шундагина об-ҳавонинг ҳар қандай инжиқликлари ишимизга тўғаноқ сола олмайди.

Минглаб механик-ҳайдовчилар ўзларининг «зангори кема»ларини ҳужумга олиб чиқиб теримни бошлашларига саноқли кунлар қолди. Ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасининг олдинги сафларида бўлиш ёш механизаторларнинг шон-шараф ишидир.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон меҳнаткашлари бу йил ўз республикалари ва коммунистик партияларининг 40 йиллигини тантана билан нишонлайдилар. Улар совет халқларининг қардошлик оиласида ўзлари босиб ўтган шонли йўлга якун ясайдилар. Давлатга пахта териб топшириш соҳасида давлат планларини ва социалистик мажбуриятларни бажариш — юбилейга энг яхши туҳфа бўлади.

* * *

С. М. Веселов докладидан юзасидан қизғин музокаралар бошланди. Музокаралар 21 августда давом эттирилади.

Тошкент пионерлари ёш механизаторларни қизғин тебрикладилар. Улар ўз акалари ва опаларига ишда янги ютуқлар тиладилар.

20 август тушдан кейин кенгаш қатнашчилари группаларга бўлиниб, «Ташсельмаш» ва «Ўзбексельмаш» заводларига, трактор йиғув заводига, Тошкент тўқимачилик комбинатига, Давлат пахтачилик махсус конструкторлик бюросига бордилар, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш Ўрта Осиё институтига, Ўрта Осиё машина-синаш станциясига ва Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхозига чиқиб келдилар.

Шаҳар яқинидаги Ю. А. Гагарин номли пионерлар лагерида дам олаётган болалар кенгашнинг ҳурматли меҳмони, биринчи совет космонавти Ю. А. Гагаринни шоду хуррамлик билан кутиб олдилар.

Ёш пахтакор-механизаторлар IV Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчиларига кечқурун катта концерт қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

# ЎРИНБОСАР БЎЛСАК ДЕЙМИЗ

Қулдус МУҲАММАДИЙ

### *Ёш механизаторларнинг Бутуниттифоқ слётини Тошкент шаҳар пионерлари табриклайди*

Салом шунқор акажонлар,
Салом ҳулкар опажонлар,
Пўлат отин ўйнатганлар,
Юракларни қайнатганлар.
Пахта эккан мард
шоввозлар,
Донг таратган чавандозлар,
Хизматингиз таърифлашга
Сидқидилдан табриклашга,
Сўз маржонин дури етмас
Бобо қўёш нури етмас.
Сизлар ерда жаннат қурган,
Кўрик очиб чўлни қувган,
Чаманзорлар посбонисиз
Колхоз, совхоз полвонисиз!
Пешонадан терлар тўкиб
Дала, қирнинг бағрин сўкиб
Гулдиратиб пўлат отни
ХВС дек чўнг қанотни,
Олтин хирмон ундирганлар,
Ваъдасини дўндирганлар.
Турсунойлар, тюпкочилар,
Изингизидан гул очилар.
Олам жаҳон хизматингиз,
Кун нуридай ҳимматингиз.
Биз ҳам Сиздек бўлсак
деймиз
Пўлат отни минсак деймиз.
Элимизга хизмат қилиб
Ишда Сиздек ҳиммат қилиб,
Ўринбосар бўлсак деймиз
Меҳнат завқин сурсак
деймиз.
Ўқувчимиз ҳозирча биз
Танга сиғмас бор қучимиз.
Сиз трактор ҳайдаганда
Кенг пахтазор майдонида.
Сизга нон-чой, овқат ташиб,
Ишингизга ҳам қарашиб
Ёрдамчингиз бўлганлармиз,
Таянчингиз бўлганлармиз,
Анжуманлар бўлсин қутлуғ,
Ниятимиз тоғдан улуғ.
Довонлардан довон ошиб,
Меҳнат қилсак деймиз
жўшиб.
Дўстлик, бирлик шиорнимиз,
Яшнасин деб Ер шаримиз,
Рус, ўзбек, қирғиз, қозоқ,
Ҳамма миллат бўлиб иноқ,
Бир-биримиз қўллаб ҳар
чоғ,
Кўкрагимиз Ҳимолай тоғ,
Пўлат отдар ўйнатамиз
Юракларни қайнатамиз.
Улуғ Ленин иши учун
Коммунизм қуриш учун
Сафингизда туриб биз ҳам,
Ташлаб сиз-ла шаҳдам
қадам,
Мўл ҳосиллар ундирамиз
Ваъдамизни дўндирамиз.

Кўпгина хўжаликлар буғдой, арпа ва нўхатдан мўл ҳосил етиштирдилар. Ўзбекистон пахтакорлари давлатга 35 миллион пуддан ортиқроқ, яъни пландагига қараганда қариб уч баравар кўп дон сотиб, Ватанни айниқса хурсанд қилдилар. Давлатга Туркманистон ССР колхозлари ва совхозлари икки миллион пуддан ошиқроқ, Тожикистон деҳқонлари уч миллион 200 минг пуддан кўпроқ ғалла бердилар. Қирғизистон ССР планни яқин кунлар ичида бажаради.

Ўрта Осиё республикалари илгари ҳеч қачон шу қадар кўп ғалла тайёрламаган эдилар. Бу меҳнат ғалабасида комсомолнинг ҳиссаси оз эмас. Ўзбекистон комсомоллари сугориладиган ерларнинг ҳар гектаридан юз центнер ғалла олиш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтардилар. Уларнинг ташаббусини КПСС Марказий Комитети қизғин маъқуллади ва қувватлади. Ўрта Осиё республикаларининг ҳаммасида бу кимматли ташаббус кенг ёйилди. Ёш ғаллакорлар буғдой ва арпанинг биринчи ҳосилини ўриб олиш билан яна такрор ғалла эндилар. Комсомол ёшлар бригадаларининг олган мажбуриятлари, Никита Сергеевич Хрущевга берган ваъдалари шараф билан бажарилишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Никита Сергеевич Хрущев Қирғизистон пойтахтида ирригаторлар билан ўтказган суҳбатида, деди докладчи, сугориладиган ерларда маккажўхори экишни кенгайтириш, чорва молларни боқиб семиртирмоқ ва мол гўшти етиштирмоқ учун барқарор озуқа базаси вужудга келтириш соҳасида Ўрта Осиё республикаларининг имкониятларини чуқур ўрганиб чиқишни тавсия қилди. Чорва молларни маккажўхори силоси билан боқиб семиртириш ҳисобига келгуси йилнинг ўзидаёқ бир неча минг тонна мол гўшти бериш тўғрисида қўйилган вазифани амалга оширишда комсомол ташкилотларисида оталарча ғамхўрлик қилиб, уларга катта моддий-техникавий ёрдам кўрсатмоқда. Пахта етиштириш тез кўпайиб бораётганлиги мана шу ёрдамнинг ва пахтакорлар қаҳрамонона меҳнат қилаётганларининг бевосита натижасидир. Шу нарсани кўрсатиб ўтиш кифоя қиладики, Совет ҳокимияти йилларининг ҳаммасида етиштирилган 98 миллион тонна пахтанинг деярлик ярмиси кейинги ўн йил ичида етиштирилди. Ўтган йил рекорд ҳосил олинди. Мамлакатимизда 5 миллион 210 минг тонна пахта тайёрланди.

Келгусида тағин ҳам юксак мартаяларга эришмоғимиз керак. КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми мамлакатда пахта етиштиришни 1970 йилда 6 миллион 800 минг тоннага етказиш вазифасини қўйди. Бу — енгил вазифа эмас. Бу вазифани фақат қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўли билан, ўғитлардан кенг фойдаланиш, сугориладиган деҳқончиликни ривожлантириш ва комплекс механизация асосида ҳал қилиш мумкин. Қишлоқ хўжалигини интенсивлашга, ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил қилишга таалуқли масалалар КПСС Марказий Комитетининг якинда ўтказиладиган Пленумида кўрилажаги партия КПСС Программасини зўр бериб, изчиллик билан, тобора кўпроқ ғайрат билан кенг қўламда амалга ошираётганлигини кўрсатиб турибди.

1970 йилга қадар Ўрта Осиёда 1 миллион 300 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш, янги, катта сув омборлари, гидроузеллар ва каналлар қуриш мўлжалланмоқда. Ирригация қурилиши ва сугориладиган ерларни кенгайтириш ишида комсомол ташкилотларининг роли катта. Нарак, Чорвоқ, Кампирровот, Тўқтоғул сув омборлари, Қорақум канали ва бошқа шулар каби бир қанча катта иншоотлар Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишлари бўлиб қолди. Бу қурилишларни тезроқ битказиб ишга туширишда партия ташкилотларига ва бинокорларга кўмаклашиш пахтакор республикаларидаги комсомол ташкилотларининг шарафли ишидир.

Ўғитларни кенг ва самарали қўлланиш хўжаликни интенсив юритишнинг асосий шартларидан биридир. Пахтакор хўжаликларни мамлакат ўғитлар билан мўл-кўл таъминламоқда. Ўтган йил Ўрта Осиё республикаларида чигит экилган ерларнинг ҳар бир гектарига 11 центнердан мўлроқ ўғит солинди. Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан қўшиб солинган ерларда, энг кўп самара олинаётганлигини илғор колхозлар ва совхозларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди.

Қишлоқ меҳнаткашлари, комсомоллар ва ёшлар химия мувафақиятларини деҳқончиликка жорий қилиш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми мамлакатда пахта етиштиришни 1970 йилда 6 миллион 800 минг тоннага етказиш вазифасини қўйди. Бу — енгил вазифа эмас. Бу вазифани фақат қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўли билан, ўғитлардан кенг фойдаланиш, сугориладиган деҳқончиликни ривожлантириш ва комплекс механизация асосида ҳал қилиш мумкин. Қишлоқ хўжалигини интенсивлашга, ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил қилишга таалуқли масалалар КПСС Марказий Комитетининг якинда ўтказиладиган Пленумида кўрилажаги партия КПСС Программасини зўр бериб, изчиллик билан, тобора кўпроқ ғайрат билан кенг қўламда амалга ошираётганлигини кўрсатиб турибди.

## СУВНИ СЕРОБ ҚИЛИШ УЧУН, УЛКАН ХИМИЯ УЧУН ЮРИШ БОШЛАЙМИЗ

Мамлакатни пахта билан таъминлаш Ўрта Осиё республикалари ва Озарбайжон меҳнаткашларининг интернационал бурчи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети пахтачиликни ривожлантиришга ғоят катта эътибор бермоқда. Партия пахтакорларнинг меҳнати ва турмуши тўғрисида ғамхўрлик қилиб, уларга катта моддий-техникавий ёрдам кўрсатмоқда. Пахта етиштириш тез кўпайиб бораётганлиги мана шу ёрдамнинг ва пахтакорлар қаҳрамонона меҳнат қилаётганларининг бевосита натижасидир. Шу нарсани кўрсатиб ўтиш кифоя қиладики, Совет ҳокимияти йилларининг ҳаммасида етиштирилган 98 миллион тонна пахтанинг деярлик ярмиси кейинги ўн йил ичида етиштирилди. Ўтган йил рекорд ҳосил олинди. Мамлакатимизда 5 миллион 210 минг тонна пахта тайёрланди.

Келгусида тағин ҳам юксак марраларга эришмоғимиз керак. КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми мамлакатда пахта етиштиришни 1970 йилда 6 миллион 800 минг тоннага етказиш вазифасини қўйди. Бу — енгил вазифа эмас. Бу вазифани фақат қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўли билан, ўғитлардан кенг фойдаланиш, сугориладиган деҳқончиликни ривожлантириш ва комплекс механизация асосида ҳал қилиш мумкин. Қишлоқ хўжалигини интенсивлашга, ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил қилишга таалуқли масалалар КПСС Марказий Комитетининг якинда ўтказиладиган Пленумида кўрилажаги партия КПСС Программасини зўр бериб, изчиллик билан, тобора кўпроқ ғайрат билан кенг қўламда амалга ошираётганлигини кўрсатиб турибди.

Ўрта Осиё республикалари илгари ҳеч қачон шу қадар кўп ғалла тайёрламаган эдилар. Бу меҳнат ғалабасида комсомолнинг ҳиссаси оз эмас. Ўзбекистон комсомоллари сугориладиган ерларнинг ҳар гектаридан юз центнер ғалла олиш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтардилар. Уларнинг ташаббусини КПСС Марказий Комитети қизғин маъқуллади ва қувватлади. Ўрта Осиё республикаларининг ҳаммасида бу кимматли ташаббус кенг ёйилди. Ёш ғаллакорлар буғдой ва арпанинг биринчи ҳосилини ўриб олиш билан яна такрор ғалла эндилар. Комсомол ёшлар бригадаларининг олган мажбуриятлари, Никита Сергеевич Хрущевга берган ваъдалари шараф билан бажарилишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

## „ЗАНГОРИ КЕМА“ ҲАМРОҲИМ

*Августнинг ғанимат кунлари ҳам ўтиб бораяпти. Айтиш керакки, бригадамиз аъзолари ҳар кун, ҳар соатдан унумли фойдаланиб, ҳосилга-ҳосил кўшиш йўлида анчагина ишларни амалга оширдилар. Ҳозир сиз пахтазорларимизни кўздан кечирсангиз ғўзанинг ривожи яхши эканлигини ҳар тупида 9-12 тадан кўсак борлигина кўрасиз. Бу биринчи навбатда механизациянинг шарофатидир: дастлабки кунданоқ ғўзага узунасига ва кўндаланга ишлов беришни кучайтирдик. Озиқлантириш, суғориш ишларини бир-бирига боғлаб ўтказдик, Мана шунинг учун ҳам эндиликда меҳнатимиз самараси кўзни қувонтиради.*

*Бу йил ҳар гектар ердан ўтган йилдагидан 4 центнердан кўп, яъни 40 центнердан ҳосил олиш учун курашиб, шу ишларни бажардик. Кеча Тошкентда очилган ёш механизаторларнинг Бутуниттифоқ слёти кунига ғўза тупларида мўл ҳосил тўплаш билан етиб келдик. Биз аминмизки, слётда совет пахтачилигини бундан буён янада ривожлантириш, механизацияни тобора кенг қўллаб, мўл ҳосил етиштириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш тўғрисида қимматли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатилади. Бригадамиз аъзолари слёт белгилаб берадиган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириб, мамлакатда коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшиш учун курашадилар.*

*Менинг асли касбим механизатор. Шунинг учун бригадирлик қилиш билан бирга механизаторликни ҳам тарк қилганим йўқ. Дўстларим қатори далага чиқиб ғўза қатор ораларига ишлов беришда кўмаклашмоқдаман. Ҳаммамиз бир еқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқдамиз. Ҳосилнинг деярлик 90 процентини машинада териб олиш учун тайёргарлик кўрилаяпти. Менинг ўзим мавсумда 170 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилганман. Бу аҳдимнинг уддасидан чиқиш учун куч ва ғайратимни аямайман.*

Саодат ТУРДИАЛИЕВА,
Янгийўл. «Қизил октябрь» колхози, трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи.

# СИРДАРЁЛИК МУСОБАҚАДОШЛАР ОБЛАСТИМИЗ ДАЛАЛАРИДА

Шу йилнинг баҳорида Сирдарё ва Тошкент области пахтакорлари бир-бирлари билан социалистик мусобақа асосида ишлашга аҳд қилиб, зиммаларига конкрет мажбуриятлар қабул қилган эдилар. Улар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга бел боғлаб мусобақалашган эдилар.

Ўтган чоршанба куни областимиз пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлигини текшириш учун Сирдарё областига жўнаб кетган эдилар. Худди шу куни Сирдарё пахтакорларининг вакиллари ҳам Тошкентга келдилар. Сирдарё пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадасига область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Е. Т. Тасанбоев раҳбарлик қилмоқда. Бригада составида Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхозининг раиси Қ. Синдаров, Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасининг агрономи Н. Крутский, «Пахтаорол» совхози комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи М. Усенбеков, Киров ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Большевик» совхозининг директори Ш. Диллабеков, Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасининг агрономи М. Шукуров, 2-«Боёвут» совхозининг бўлим бошлиғи Н. Бекиров, Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Красная заря» колхозининг партия комитети секретари И. Алибоев ва бошқа ўртоқлар бор.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари уч группага бўлиниб, Янгийўл, Юқори Чирчиқ ва Калинин ишлаб чиқариш бошқармаларининг хўжаликларига жўнаб кетдилар. Улар колхозларда бўлиб бригадаларнинг ишлари билан танишдилар, экинларнинг қандай парвариш қилинаётганлиги ва ҳосил тўплаш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар билан қизиқдилар.

Янгийўлдаги Охунбобоев номли колхозда қизиқ суҳбат бўлиб ўтди. Бу колхоз бошқармадаги йирик хўжаликлардан ҳисобланади. Бу йилги мавсумда далада 40 та терим агрегати ишлайди. Сирдарёликлар машина терими учун ажратилган пахта майдонларини диққат билан кўздан кечирдилар. Ўртоқ Турсуной Раимова раҳбарлик қилаётган комплекс механизациялашган бригаданинг ғўзалари айниқса меҳмонларни хурсанд қилди. Ҳар туп ғўзада 11—12 тадан бўлиқ кўсак бор.

— Қанчадан мажбурият олгансизлар?— сўрашди сирдарёликлар бригадирдан.

— 45 центнердан, — деб жавоб берди Турсуной Раимова ва дарҳол қўшимча қилиб қўйди: — планни 20 октябргача бажаришга аҳд қилиб қўйдик.

Сирдарёликлар Янгийўл бошқармасининг бошқа хўжаликларида ҳам бўлдилар. Ютуқларни қайд қилиш билан бирга мавжуд камчиликларни тугатиш, йиғим-теримга тайёргарлик кўриш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар.

Юқори Чирчиқ бошқармасининг далаларида бўлган сирдарёликлардан бир группаси Свердлов номли колхознинг иши билан атрофлича қизиқдилар. Бу комплекс механизациялашган хўжалик фақатгина пахтанинг ўзидан бу йил давлатга 5000 тоннага яқин сотади.

— Машина билан қанча пахта терасизлар? — сўрайди «Ленинград» колхозининг раиси ўртоқ К. Синдоров.

— Бизда 32 та терим агрегати бор. Етиштириладиган ҳосилнинг ярмини машинада териб олишни мўлжаллаб турибмиз.

— Бизнинг колхозда эса, — дейди, ўртоқ Синдоров 80 процент ҳосил машиналар ёрдамида терилб олинади. Машина терими хирмон унуми, у маҳсулот таннархини арзонлаштиради.

Сирдарёликлар шунингдек «Политотдел», «Ўзбекистон», «Правда» ва бошқа колхозларда ҳам бўлдилар. Улар Юқоричирчиқлик пахтакорлар мўл ҳосил тўплаш йўлида астойдил меҳнат қилганликларини қайд қилиб ўтдилар. Бироқ эришилган ютуқлар билан кифояланиб, хотиржамликка берилиш ярамайди. Ҳали анчагина қилинадиган иш бор: ғўзаси қолоқ участкаларда культивацияни давом эттириш, ўсимликни яна бир бор қондириб суғориш, пахта теримига пухта тайёргарлик кўриш лозим. Ана шундагина кўзлаган мақсадга эришиш ва зиммага олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш мумкин бўлади.

Пахтакорлар мусобақадош дўстларига улар берган самимий ва қимматли маслаҳатлари учун миннатдорчилик билдирдилар ва танкидларингиздан тегишли хулоса чиқарамиз, барча майдонларда мўл ҳосил тўплаш ва пахта теримини муваффақиятли ўтказиш учун барча чораларни амалга оширамиз, деб ваъда бердилар.

**М. ДЎСТМАТОВ.**

**Суратда: Сирдарё область пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаси аъзоларидан бир группаси.**

**А. Мальцев фотоси.**

# ЯНГИ КИШИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Ёш авлодни тарбиялаш масаласи кишилик жамияти тараққиётининг турли этапларида яшаб ижод этган атоқли файласуф мутафаккирлар, гуманист ёзувчилар, атоқли педагогларнинг диққат марказида бўлиб келди. Кишилик жамияти томонидан яратилган барча маданий меросни ўрганиб чиққан К. Маркс ва Ф. Энгельслар ёш авлодни тарбиялашнинг илмий асосларини ишлаб чиқдилар.

Марксизм классиклари илгари сурган таълимотлар В. И. Ленин томонидан янги тарихий шароитда янада ривожлантирилди.

К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленининг ижтимоий тарбия ҳақидаги таълимотлари партиямиз программаларида ўз ифодасини топди. 1919 йил март ойида бўлиб ўтган РКП(б) нинг VIII съезди томонидан қабул қилинган партия Программасида ижтимоий тарбияни яхшилаш, мактабгача тарбия муассасалари тармоқларини вужудга келтириш энг муҳим масалалардан бири эканлиги кўрсатилди.

1956 йил КПССнинг XX съезди қарори билан мактабинтернатлар ташкил этилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети куни узайтирилган мактаблар ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижтимоий тарбияни янада ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда.

Ҳозир республикамиздаги мактаб-интернатда 45 мингдан ортиқ бола, куни узайтирилган мактабларда 79 минг 450 бола тарбияланмоқда.

Умуман мактабларимизда 2 миллиондан ортиқ бола ўқимоқда. Совет ижтимоий тарбия системасини янада ривожлантиришда айниқса партиямизнинг XXII съезди қарорлари муҳим ҳужжат бўлди. Мазкур қарор ва партия Программасида социалистик демократияни янада ривожлантиришнинг конкрет тадбирлари белгиланди. Шу туфайли тараққиётимизнинг ҳозирги даврида жамоатчиликнинг давлат, хўжалик ва маданиятни бошқаришдаги роли тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги даврда жамоатчилик фаолияти ҳаётимизнинг ҳамма соҳасига сингиб, жумладан ёш авлодни тарбиялашда ҳам намоён бўлмоқда.

Халқ маорифи органлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири оила тарбиясини ижтимоий тарбиянинг мактабгача тарбия, мактаб ва мактабдан ташқари тарбия муассасалари иши билан бирга қўшиб олиб боришдир. Бу вазифани бажаришда ижтимоий тарбия муассасалари, ўқитувчи-тарбиячилар етакчилик ролини ўйнайдилар.

Бизда намунавий иш олиб бораётган мактаблар жуда кўп. Чунончи, Тошкентдаги 24, 40, 95, 119 ва шу каби мактаб коллективлари ота-оналар, оталик ташкилотлари билан системали алоқа ўрнатиб, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш бобида бир қанча ютуқларни қўлга киритдилар.

«Мактаб, оила, комсомол ва бутун жамоатчиликнинг тарбиявий таъсир ўтказиш кучи ниҳоят даражада катта, — дейди Н. С. Хрушчев. — Агар бу кучлар моҳирлик билан ва пухта ўйланиб бирлаштирилса ва юксак мақсадга йўналтирилса, бу кучлар ёш бўғин ҳаётидаги салбий ҳодисаларнинг ҳаммасини охиригача ва қайтмайдиган қилиб қўпориб ташлашга қодирдир».

Ҳақиқатан ҳам бола тарбиясига бутун жамоатчилик эътиборини жалб этиш ва улар кучини янги кишини тарбиялашга қаратиш жуда муҳим вазифадир.

Ёш авлодни коммунистик жамиятнинг муносиб қишлари қилиб етказиш умумий маданиятимизнинг энг муҳим томонидир. Бу вазифани амалга оширишда маориф ва мактаб ходимлари ташкилотчилик ҳамда етакчилик қиладилар. Бу ишга ота-оналар, жойлардаги касаба союз, комсомол ташкилотлари, маҳалла комитетлари ва умуман жамоатчиликни кенг жалб этиш лозим.

Бу йил республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида оила ва ижтимоий тарбияга бағишланган ота-оналар съезди бўлади. Съездга катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шаҳарнинг ҳамма ўқув юртлари, ишлаб чиқариш ташкилотлари, маҳалла комитетлари, уй бошқармалари оила ва ижтимоий тарбия масалаларига бағишланган йиғилишларини ўтказмоқдалар.

Шаҳар ота-оналар съезди оила ва ижтимоий тарбия масаласини муҳокама қилиб, ёш авлодни тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

**Х. ХУРРАМОВ,**
**Т. МЎМИНЖОНОВ,**
**Ўзбекистон ССР педагогика фанлари илмий-текшириш институти илмий ходимлари.**

# МОСКВАЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИБ

**Корхонамиз коллективи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «Ҳар бир буюмнинг зарар кўрмаган ҳолда ишлаб чиқарилишини таъминлаш соҳасида Москва шаҳар халқ хўжалигига кенгашга қарашли ўн беш корхона коллективининг ташаббуси тўғрисида»ги қарорини якдиллик билан маъқуллади.**

**Заводимиз рентабель ишлаётганига қарамай маҳсулот таннархини янада арзонлаштиришга қаратилган бирмунча тадбирлар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқаришда кўзга кўринмай турган резервларни қидириб топиш ва уларни ишга солишга қарор қилинди: ҳар бир цех коллективи, бригада ўз зиммасига конкрет мажбуриятлар олди.**

**Заводимиз авваллари арава, плуг, мола ва бошқа шу каби буюмлар ишлаб чиқарар эди. Тошкентга Бухоро табиий гази келиши билан корхона газ аппарати ва кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга мослаштирилди. 1958 йилдан бери газ плиталари, сув иситиш колонкалари, инжекторли газ горелкалари, босим редукторларни ишлаб чиқара бошладик.**

**Шубҳасиз, янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш даврларида анча ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилди. Маҳсулот таннархи анча юқори эди.**

**Масалан, икки конфоркали газ плиталарининг планли таннархи 1959 йили 21 сўм 69 тийин турса, бу йил 16 сўм 67 тийинга келтирилди. Корхонамизда битта конфорка ишлаб чиқариш учун сарфланадиган маблағ шу давр ичида 5 сўм 62 тийинга арзонлашди.**

**Сув иситиш колонкаси ишлаб чиқариш илғарилари корхонага зарар келтирарди. Чунончи 1960 йили колонканинг планли таннархи 52 сўм 43 тийин бўлгани ҳолда уни ишлаб чиқариш таннархи 68 сўм 90 тийинга тушарди. Демак, ҳар бир колонкани ишлаб чиқаришда завод 16 сўм 47 тийин йўқотарди. Бора-бора барча иш процесс лари механизациялаштирилди. Ишчиларнинг малакаси ошди, Натижада колонка ишлаб чиқариш учун бўладиган харажат 36 сўмга келди. Энди ишлаб чиқариш заводга зарар эмас, фойда келтирмоқда.**

**Худди шунингдек босим редуктори, инжекторли газ горелкалари ва бошқа маҳсулотларнинг таннархи ҳам анча арзонлашди.**

**Хўш, корхонамизнинг рентабель ишлашига қандай чоратадбирлар эвазига эришдик? Аввало шуни айтиш керакки, кишиларимиз меҳнатга чин виждон билан коммунистик муносабатда бўлдилар. Давлатнинг ҳар бир сўмини қадрладилар. Инженер-техник ходимларимиз олиб борган изланиш-лар иш процессларини механизациялаш, айрим операциялар ва участкалар ишини автоматлаштириш имконини берди. Давлатимиз биздан техникани аямади. Фақат шу ярим йил ичида 4 та янги ускуна ўрнатилди. 5 та ускуна модернизация қилинди.**

**Корхонамиз рационализаторлари сафида 62 киши актив иш олиб бормоқда. Шу йилнинг ўтган 7 ойи ичида иш процессларини такомиллаштиришга қаратилган 76 таклиф тушиб, уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу таклифлар заводга 13 минг 400 сўм фойда келтирди. Айниқса қуюв цехи бошлиғи Собир Содиқов, ремонтчилар бригадасининг раҳбари Леонид Бурнаев каби рационализаторларимиз жонбозлик кўрсатдилар.**

**Ишчи ва хизматчиларнинг маданий-маиший аҳволини яхшилашга ҳам жиддий эътибор бермоқдамиз. Цехларга вентиляторлар ўрнатилди. Янги ечиниш хоналари, душ хоналар қурилди, борлари кенгайтирилди. Медицина кабинети кенгайтириль-ди, тиш кабинети ташкил этилди. Бу тамҳўрликлар ишчиларимизнинг руҳини янада кўтарди.**

**Ўтказилган барча ташкилий-тарбиявий тадбирлар туфайли планларимиз ой сайин ортғи билан бажариляпти. Ўтган етти ой плани ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 106 процент қилиб адо этилди. Меҳнат унумдорлиги 109,7 процентга етказилди. Маҳсулот таннархи пландаги 4,7 процент ўрнига 6,9 процент арзонлаштирилди. Бу йил корхонамиз адресига маҳсулот сифати ёмон деган рекламация тушмаганлиги бизни қувонтирмоқда.**

**Москва шаҳар халқ хўжалик кенгашига қарашли корхоналарнинг ташаббусига қўшилган коллективимиз ҳар бир маҳсулот таннархини бундан ҳам арзонлаштириш ва шу йўл билан давлатга янада кўпроқ фойда келтириш учун курашмоқда. Бу олий мақсад кишиларимиз билагини кучга, дилларини ғайратга тўлдирди, ижодий меҳнат активлигини оширб юборди.**

**С. СУЛТОНОВ,**
**Тошкент газ аппаратлари заводининг директори.**

# ҚАЙНОҚ ҲАЁТ

*У ун олти йилдан бери шу даргоҳда меҳнат қилади. Келганида ёшгина қизча эди. Шогирд тушди, ҳунар ўрганди. Цехдаги бўяш, қуритиш процессларини пухта эгаллаб олди. Мана энди ўзи устоз. Л. Борисова, Т. Зайцева, Ф. Сахарова каби ишбилармон қизлар К. Зикова қўлида таълим олишган. Бугун улар устозлари билан ёнма-ён туриб меҳнат қилишаяпти. Смена кормаларини ортиқ билан ado этиб бўёқчилик цехида илғорликни қўлда саклаб келишяпти.*

*Қизлар меҳнат қилаётган участканинг тозалигига қараб ҳавасингиз келади. Поллар ёғ тушса ялтиратдек. Қуёшнинг заррин нурлари хона ичларини чароғон қилиб турибди. Деразаларда гуллар.*

*Бўёқлар тайёр, — деди бўёқ тайёрловчи К. Хидиков қайнаётган суюқ моддага ишора қилиб.*

*Клава Зикова уларни кўздан кўчирди-да:*

*— Майли, барабанларга солақолинг, — деди.*

*Цехда иш технологияси ажоиб. Полотно тўқув машинасидан чиққач, аввало турли хил бўёқларга бўялади. Шу процесда материал ҳиёл энига ва бўйига кириши. Қуритиш машиналарида эса улар яна ўз ҳолига қайтарилади. Сўнг сортларга ажратилади.*

*Меҳнатсеварлар бу операциялари сифатли бажаришяпти. Барча бир жон, бир тан бўлиб жавлон урияпти.*

*С. ХУЖАЕВА.*

# ЖАМИЯТШУНОСЛИК ФАНИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

**Кеча Тошкентда жамиятшунослик фани ўқитувчиларининг республика семинар-кенгаши очилди. Бу семинар-кенгашда жамиятшунослик фанини ўқитиш соҳасида тўпланган дастлабки тажрибалар умумлаштирилади ҳамда бу соҳада навбатдаги вазифалар белгиланади. Шу муносабат билан биз қуйидаги мақолани босаётирмиз.**

Ўрта мактабларни битирувчи синфларда жамиятшунослик курси ўқитила бошланди. Бу курс ўқувчиларнинг ғоявий-сиёсий савиясини оширишда ва тарбия беришда жуда муҳим роль ўйнайди.

«Бизнинг истагимиз шуки,— деган эди Н. С. Хрушчев. — ёшлар коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифалари билан, Маркс, Энгельс ва Ленининг коммунизм тўғрисидаги таълимоти билан чуқурроқ танишиб олсинлар, дейиш. Бизнинг истагимиз шуки, ёшлар ҳозирги замоннинг проблемаларини тўғри тушуниб олсинлар, янги кишига, коммунизм қурадиган ва коммунизм шароитида яшайдиган кишига хос бўлган хислатларга эга қилиб, ўзларини яхшироқ тарбияласнилар, дейиш». Бунда жамиятшунослик курсининг роли катта.

Бу курсда коммунистик дунёқарашнинг фалсафий ва иқтисодий асослари, жамият тараққиёти тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот оммабоп тарзда баён қилинади, совет социалистик жамияти ҳар томонлама таҳлилаб берилади. Жамиятшунослик фанининг асосий вазифаси ўқувчиларда илмий-материалистик дунёқарашни шакллантириш ва уларни сиёсий билим асослари билан қуроллантиришга қаратилгандир.

Жамиятшунослик курси областимиз мактабларида 1962-1963 ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб ўқитилмоқда. Ўқитувчилар ва ўқувчилар программа ва дарсликлар билан деярли таъмин қилинган. Кўп мактабларда жамиятшунослик курси химия, физика, биология, математика, география фанлари билан бевосита боғлаб олиб борилляпти.

Янги фандан дарс берувчи ўқитувчилар малакасини ошириш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. 1964 ўқитувчи махсус малака ошириш семинарига қатнашди. Малака ошириш семинари машғулотлари Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг фалсафа сиёсий иқтисод, КПСС тарихи кафедраларининг тажрибали олимлари томонидан ўтказилди. Шунингдек, бу ишда область мактабларининг илғор ўқитувчилари ҳам яқиндан ёрдам беришди. Семинар қатнашчилари учун халқаро аҳволга доир лекциялар ўқилди, тарих ва санъат музейларига, шаҳарнинг корхоналарига экскурсиялар ташкил қилинди.

Тажриба алмашиш мақсадида қисқа муддатли семинарлар ҳам ташкил этилди. Чирчиқ шаҳридаги 8-мактабда эса жамиятшунослик курси ўқитишнинг илғор методлари оммалаштирилди.

Жамиятшунослик курси ўтган ўқув йилида областимизнинг кўпчилик ўрта мактабларида программа ва ўқув плани асосида, ғоявий-сиёсий ва назарий юқсаклик савияда ўқитилди.

Биз Янгийўл районидаги 45-мактаб ўқитувчиси ўртоқ Т. Г. Герасименконинг дарсларида бўлдик. У «Социалистик халқ хўжалигининг планли тараққий қилиб бориши, унинг капиталистик хўжаликдан афзалликлари» темасини айниқса мазмунли қилиб ўтди. Дарс турмуш билан боғланди.

Шу районнинг 84-мактаб ҳузуридаги кечки ишчи-ёшлар мактаби ўқитувчиси ўртоқ Л. Умарова 10 синфда «Ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг» деган темани ўтишда планлаштирилган мақсадга эришди. Дарс тарбиявий характерга эга бўлди. Бўка районидаги 36-мактаб ўқитувчиси ўртоқ К. Йўлдошев «Социалистик мулк формалари», «СССР гражданларининг шахсий мулки» деган темаларни ўтишда кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланди. Тема конкрет турмуш практикаси билан боғланди.

Булар дастлабки муваффақиятлардир. Жамиятшунослик курсини ўқитишда область мактабларида ҳали жиддий камчиликлар бор. Айрим район халқ маорифи бўлимлари, район методика кабинетлари, мактаб маъмурияти жамиятшунослик курсини ўқитиш масаласига етарли эътибор бермаётир. Калинин районидаги 24-мактабда шу йил 11 февралдагина жамиятшунослик курсини ўқитишга киришилгани ачинарли бир ҳолдир. Бўка районидаги 2-мактабда 22 сентябрдан то 1 апрелгача бу курс ўқитилмай келинган. Ваҳоланки, мактабда янги фанни ўқитиш учун ҳамма имкониятлар бор эди.

Янгийўл районидаги 25-, 69-мактабларда ҳам жамиятшунослик фани ўқитиш ёмон аҳволда. Текшириш шуни кўрсатдики, жамиятшунослик курси ўқитувчилари дарсларига мутлақо тайёргарлик кўрмаганлар. Шунинг учун уларнинг дарслари сифатсиз ўтди. Ўқитувчи Қаюмов «Совет Социалистик давлати» темасини ўтишда ўқув материалини системали баён эта олмади, кўрсатмали қуроллардан фойдаланмади, темани турмуш билан боғламади.

Мактаб директори Холматов, илмий бўлим мудири Муртазина ўртоқлар ўртоқ Қаюмовнинг дарсларига бирон соат ҳам кирмаганлар, анализ қилиб, тегишли хулоса чиқармаганлар.

69-мактаб ўқитувчиси А. Шобеков «Социализм шароитида синфлар ва миллатлар» темаси қониқарсиз ўтди. «Халқ интеллигенцияси», «Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарамақаршиликнинг тугатилиши», «Совет халқи ижтимоий-сиёсий ва ғоявий бирлигининг мустаҳкамлиги», «Совет автономиясининг аҳамияти» каби темалар илмий-назарий асосда ёритилмади.

Бу камчиликлар асосан ўқитувчининг ўз устида, дарс устида пухта тайёргарлик кўрмаслиги, мактаб дирекцияси ва халқ маорифи бўлимларининг машғулотлар устидан контроллик қилмасликлари ва талабчан бўлмасликлари туфайли содир бўлмоқда. Шунинг учун ҳам район халқ маориф бўлимлари, мактабларнинг бошланғич партия такилотлари, ишлаб чиқариш бошқармалари парткомларининг идеология бўлимлари бу ишга яқиндан ёрдам беришлари лозим. Мактабларда жамиятшунослик предметини ўқитиш процессини пухта ўрганиб, илғорлар тажрибаларини кенг ёйиш керак.

**Н. АБАЕВ,**
**Тошкент область ўқитувчилар малакасини ошириш институти тарих-география кабинети мудири.**

**С. СОБИТОВ,**
**Тошкент қишлоқ область халқ маорифи бўлимининг инспектори.**



**Сиз суратда кўриб турган агрегатлар бу йил республикамиз пахта далаларида биринчи марта жавлон уради. Улар ХВС-1,2 пахта териш машинасининг такомиллашган издошларидир. «Ташсельмаш» заводи конструкторлари, инженер-техник ходимлари мана шу янги осма пахта терими машинасини ижод қилиб пахтакорлар юкини яна ҳам енгиллатдилар.**

**И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.**

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» натижаларни маълум қилади

# „ДАЛАЛАР ЎТДАН ТОЗА БЎЛСИН“

**Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги Киров номли совхознинг 2 ва 3-бўлимларида, Куйбишев номли ҳамда Карл Маркс номли колхозларда каттагина майдонларни бегона ўт босган. Суғоришга етарли аҳамият берилмаяпти. Кўп ерларнинг ғўзаси чанқаб қолган. Шунинг учун ғўза ниҳоллари ҳосил нишоналарини тўкиб юбормоқда.**

**Колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Юқорида санаб ўтилган хўжаликларнинг раҳбарлари далаларда тез-тез бўлишмайди. Улар талабчанликни бўшаштириб юборишган. Шу сабабли дала ишлари ўлда-жўлда, — дейилган эди юқоридаги сарлавҳа билан газетамизнинг шу йил 7 июль сонида босилган танқидий мақолада.**

**«Мақола юзасидан бошқармаларнинг бош агрономи ўртоқ Нуриддинов текшириш ўтказди, — дейилади Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ортиқхўжаев қўл қўйган жавоб хатида. — Мақолада келтирилган ҳамма фактлар тўла тасдиқланди. Ишдаги мавжуд камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ҳозирги вақтда номлари кўрсатилган юқоридаги хўжаликларнинг далалари ўтлардан тозаланди. Ғўзаси чанқаб қолган майдонлар эса сувга қондирилди».**

## Тошкент янгиликлари

### ЯНГИ МАШИНАЛАР

Пойтахтимизда ёш пахтакор механизаторларнинг тўртинчи Бутуниттифоқ слёти очилиши муносабати билан Театр майдонида қишлоқ хўжалик машиналари виставкаси ташкил этилди. Бу ерга 20 дан ортиқ маркадаги агрегатлар қўйилган. Уларнинг кўплари областимиз саноат корхоналари конвейеридан тушган.

Ёш пахтакорлар ва шаҳар механизаторлари «ХТ-1,2» маркали янги осма пахта териш машинасини айниқса зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Бу агрегат шу йил куздан бошлаб биринчи марта пахта далаларида жавлон уради. «Ташсельмаш» заводи машинасозлари йил охиригача «ХТ-1,2» агрегатларидан 7400 та ишлаб чиқариб, пахтакорларга жўнатишга аҳд қилишган.

Шунингдек, «Чирчиксельмаш», «Узбексельмаш», трактор-йигув заводи коллективлари тайёрлаган агрегатлар ҳам виставкада намойиш қилиняпти.

### ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ

Август ойи тўкинчилик бўлади, дейишади. Дарҳақиқат, ҳозир ям-яшил боғларда мевали дарахтлар ҳосили мўллигидан шохларини қуйи эккан. Қуёш нурини эмиб олтин ранг олган олма, нашвати, шафтолилар гарқ пишган. Полиз пайкалларида қовун-тарвузлар хирмон-хирмон. Ишкомлардаги оғизда бол татийдиган узумлар кўзларни қамаштиради. Ғўзал Фарғона, Андижон, Наманган-у, Самарқанд — серқуёш республикамизнинг ҳамма далаларида, боғларида ана шундай тўкинчилик.

Шу ноз-неъматларни боғбонлар, миришкор сабзавоткорлар шаҳардаги дўстларимизга деб етиштирганлар. Мана бугун совет колхоз бозорларидан бири Октябрь бозорида ноз-неъматлар ярмаркаси очилди. «Ташплодоовощтрест» ҳамда Октябрь райпищчеторги ташаббуси билан иш бошлаган бу ярмаркада 15 дан ортиқ савдо ходими шаҳарликларга хизмат қиляпти. Қовун-тарвуз дейсизми, олма-нашвати дейсизми, сабзи-пиёз, картошка дейсизми ҳаммасидан бор.

Калинин районидаги Генерал Раҳимов номли, Охунбобоев номли, Ильич номли, «Қизил Ўзбекистон», «Октябрь» колхозлари, «Назарбек» совхозидан ярмаркага кунига 40 тоннагача ҳўл мева ва сабзавот маҳсулотлари келтириб сотилмоқда. Ярмарка олтин куз охиригача шаҳар аҳолисига хизмат қилади.

Ноз-неъматлар ярмаркисига марҳамат!

### ТРОЛЛЕЙБУС ЛИНИЯЛАРИ

Чилонзорнинг бағри кун сайин кенгайиб, аҳолисининг сони тинмай ошиб боряпти. Янги-янги секторлар, маданий-маиший корхоналар қад кўтаряпти бу ерда. Энди мавжуд транспорт линиялари кечлик қилаётгани сабабли ҳамшаҳарларимизга транспорт хизматини яхшилаш ниятн билан янги троллейбус линиялари қуриляпти.

Шу кунларда Қаротгол ва Муқимий кўчалари бўйлаб симлар тортиляпти. Бу симлар 9-«Г», 10-«Г», 11-«Г» ва 12-«Г» секторларидан ўтиб, шаҳар марказигача келади. Йўл қурувчилари ўз вақтида вазифаларни республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейигача тугаллаш учун қурашмоқдалар.

### „ПАХТАКОР" АФРОНИСТОНГА ЖЎНАВ КЕТДИ

Тошкентнинг «Пахтакор» футбол командаси 19 августда жанубдаги қўшнимиз — Афганистонга жўнаб кетди. Ўзбек спортчилари у ерда Афганистоннинг энг кучли футбол командалари билан бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказадилар.

## ҚАРДОШ САНЪАТКОРЛАР КУЙЛАЙДИ

*Севимли қўшиқлари билан томошабинлар ҳурматини қозонган Тожикистон ССР халқ артисти Шоҳиста Муллажонова бошлиқ Тожикистон Давлат филармониясининг бир гуруҳ санъаткорлари областимиз шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, концертлар бермоқдалар.*

*Тожик меҳнатларнинг ўзбек давлат филармонияси концерт залида кўрсатган томошаси айниқса муваффақият қозонди. Қардошларимиз бу ерда икки кун концерт бергач, областимизнинг колхоз ва совхоз меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш учун пахтакорлар ҳузурига отландилар. Меҳмонларнинг Янгийўл ва Калинин бошқармаларидаги концертидан дала меҳнаткашлари беҳад мамнун бўлишди. Томошабинлар талантли қўшиқчи Шоҳиста Муллажонова ижро этган ашулаларни, Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Иқболхон Юсупованинг шўх рақсларини, артистлардан Боймуҳаммад Ниёзов ва Саида Сафароваларнинг номерларини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар.*

*Қардошларимиз 5 сентябргача гастролда бўлиб, областимизнинг яна бир неча районларида ўз санъатларини намойиш қиладилар.*

Пойтахтимиз меҳнаткашлари севган «Победа» ўрмон парки нинг диққатга сазовор жойларидан бири унинг мовий қўли дир. Бутун ёз давомида бу ерда ҳар куни неча юзлаб меҳнаткашлар чўмиладилар, қайиқларда сайр қиладилар. Кўлда дам олувчилар учун ҳамма нарса муҳайё қилинган.

М. Нуриддинов фотоси.

## БОЛТА ЧИТТАК

(ҲИКОЯ)

□ □ □

Бир куни редакция топшириғи билан командировкага жўнадим. Купеда мендан бўлак яна бир кишн — ёши элликлардан ўтиб қолган, шоп мўйлов одам бор эди. Ҳавонинг димлигидан нафаси бўғилиб кетяпти шекилли, энтикади, ҳансирайди уф тортади, қорни силкинади.

Ҳалиги кишига мулозамат билан салом бердим.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом... Иўл бўлсин йигитча? У менга бошдан оёқ разм солди. Борадиган еримни айтдим.

Қўшним гапга чечанлардан экан. Бир пастда танишиб олдик. Янги ортирган ҳамроҳим Болтабой ака Тешабоев экан. Тенгқурлари уни Болта мўйлов дейишармиш.

Болта мўйлов «ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига» дегандаридек, манзилга етиб боргунча ўз ишидан мамнун бўлиб мақтанди. У матлубот жамиятида тайёрловчи бўлиб ишлар эмиш. Ўрик, олма, шафтолиқоқи, майиз, ёнғоқ ва ҳоказоларни тонна-тонналаб қабул қилиб олиб, узоқ-узоқларга элтармиш.

Болта мўйлов билан салкам бир кеча-ю, бир кундуз бирга бўлдик. Поезддан тушиб хайрлашар эканмиз, шаҳарга қайтгач, борди-келди қилиб «телефон жиринглатиб туришимиз» тўғрисида келишиб олдик.

Командировкадан қайтиб, ён дафтаримни варақлаб ўтирувдим. Болтабой аканинг адресига кўзим тушди. Ваъдага вафо қилиш мақсадида трубкани олиб, унга сим қоқдим. «У киши бу ерда ишламайди» деган жавоб эшитилди трубкадан.

Ногаҳон Болта мўйловни қиш чилласида шаҳримизда учратиб қолдим. Эгнида ёқасига қоракўл терси қопланган қимматбаҳо матодан тикилган пальто, бошида барра телпак, қўлтиғида қалин папка.

— Э, бормисиз оламда, Болтабой ака? — пешвоз чиқдим унга.

— Қаёқлардан сўраймиз? Телефон қилсам...

— Хаёлимдаги ишни энди топдим акаси, — деди у завқ билан.—Юрган эканмиз-да, шафтолиқоқи сотиб...

— Ишингиз беш бўлса керак? — қизиқсиниб сўрадим... Ваҳоланки мўйловнинг иши «беш»ёнги осилиб турган бақбақасидан яққол сезилиб турарди.

Болтабой ака бош бармоғини кўрсатди.

— Во! Каминангиз чорвадорлар. Ҳа... Ота-бувамиз қўйчивон ўтган эмасми...

— Ишқилиб, фойдали меҳнат бўлса бас-да, — дедим унга ҳамоҳанг бўлиб.

Болтабой ака гапимни бўлди.

— Э, бирадар фойдали соҳа эмиш, — ҳамсуҳбатим мазах қилиб гапираётгандек туюлди менга. — ишнинг кўзини билсангиз... бас...

Орадан беш-олти ой ўтди. Шаҳар маданият уйи биносида қурувчилар кенгаши очилди. Ўша ердан репортаж ёзиб келиш вазифаси менинг зиммамга тушди.

Бир вақт қулоғимга таниш овоз чалинди. Ялт этиб қарасам, рўпарамда Болтабой ака илжайиб, кафтини ёзиб, менга қўл узатиб турибди.

— Танияптиларми, яхши йигит?

— Таниганда қандоқ. Болтабой ака. Ҳа, қаёқдан шамол учирди? Узр, чорвангизга бориб отарларни кўролмадик... Совлиқларни кўзилатиб олдингизми? Ишлар «беш»дир-а?

Болта мўйлов билмай бир пиёла сирка ютиб юборган одамдай башарасини буриштирди.

— Пода ҳайда, қўтон қурдир, қур-р-р-ей, қур-р-р-ей, э, қўйинг-е, шу ҳам ишми?! От айланиб қозиғини топади, дўстим. Биз ҳам худди шундай қилдик. Ғишт терувчилик ота касб эмасми... Заводдамиз акаси, заводда.

Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Лекин дарҳол ўзимни қўлга олдим:

— Заводдаман денг?

— Албатта.

— Ишлар беш бўлса керак?

— Беш ҳам гапми, ўртоқ!

— Ишнинг кўзини билсангиз... Бас-да. Шундай эмасми?

— Бўлмаса-чи! — Болта мўйлов пичингни пайқамади.

Орадан анча вақт ўтди. Бир куни редакциядаги телефон жиринглади. Театрлардан бирида қасаба союз ташкилотининг ҳисобот-сайлов мажлиси бўлармиш. Нотаниш киши таклиф қиляпти. Тезда етиб келишимни ўтиниб сўраяпти.

Театрга мажлис бошланганида етиб бордим. Аста залга кириб, орқадаги бўш ўринлардан бирига ўтирдим. Ўёқ-бу ёққа аланглаб олгач, саҳнага, мажлис ҳайъатига назар ташладим. Товба, тушумми-ўнгимми? Минбарда Болта мўйлов ўтирибди! Кўзларимга ишонгим келмайди. Лабларимни тишлаб, баданимни чимчилаб кўрдим. Туш эмас. Демак, тўғри, минбардаги киши Болтабой Тешабоев.

— Ўртоқлар нега тиржайяпсизлар? Е куладиган жойи борми? Камчиликни санайверсак, гижжакчида ҳам, камончида ҳам, қўшнайчио, чилдирмачида ҳам бор. Гапираверсанг, гап мўл. Аммо мен фақат бир киши устида тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса, ногорачи. Ғалати қилиқ чиқарибди бу огайнимиз. Бу акамлар иш куни давомида нуқул така-тум, така-тумдан нарига ўтмайдилар! Қойил-е! Нагмаю-дутор эви билан-да!

Бу «нутқ»ни театр коллективи қандай ҳазм қилиб ўтирди, билмадим, худди шу ерга келганда, ўрнимдан даст туриб, ўзимни кўчага отдим.

Тунов куни Болта мўйловни лафъатан учратиб қолдим. Тешабоевнинг ташқи қиёфаси худди биринчи кўринишдагидек. Аллақаёққа ошиқяпти. Ҳеч нарсадан хабари йўқ кишидай:

— Ғишт заводида ишлар қалай, ҳамон бешдир? — деб юборибман.

Тешабоев менга ўқрайиб қаради-ю, хўрсиниб олгач, сўнгги ярим йил мобайнида ДОСААФ, соғлиқни сақлаш, социал-таъминот, физкультура ташкилотларида ишни «беш» қилиб чиқ-қанини ҳикоя қилиб берди.

— Энди йўл бўлсин? — сўрадим ниҳоят.

— Савдо бошқармасига, — деди у жилмайиб. — Ота касби эмасми, бу савдо-сотиқ ишлари... Шоядки...

Э-ҳа, мен билмаган эканман. Бу кишини Болта мўйлов эмас, Болта читтак деса бўлар экан-ку.

Ҳамид ТОҲИБОЕВ.

## ОСМОНДАГИ ОЛИШУВ

Апшерон совхози отарларининг қўйлари Сумгаит шаҳри яқинидаги тоғ ёнбағрида ўтлаб юрарди. Эрта тонг эди. Ёзнинг мовий осмонида бургут ва қарчиғайлар учиб юрарди. Улар катта айлана ҳосил қилиб учиб ўлжа қидиришарди.

Чўпон Гасан Жаъфаров қанотларини кенг ёйиб пастга қараб ўқдек туша бошлаган бургутлардан бирига кўзи тушди. Ерга тегар-тегмас у панжаларини ёйиб яна осмонга қўтарилди. Унинг панжасида қандайдир лентага ўхшаш нарса қуёшда ялтираб кўринди. «Илон-ку!» — сезиб қолди чўпон.

Бир метр келадиган заҳарли илон осмонда бургут билан олишарди. У зўр бериб буралиб катта қушнинг учишига тўсқинлик қиларди. Бургут бўлса тобора осмонга кўтарилар ва жуда баланддан туриб ўз ўлжасини ерга ташлаб, шу билан уни ўлдириб емоқчи эди. Шу вақт илон бир айланиб бургутнинг бўйнига ўралди ва уни жуда қаттиқ қиса бошлади.

Бургут мувозанатини сақлай олмай, тезда тошдек ерга йиқилиб тушганлигини Жаъфаров кўрди. Иккала рақиб — қуш ҳам, илон ҳам ўлди.

К. ХРОМОВ,
Озарбайжон ССР.
(«Сельская жизнь»дан).



Суратда: Москва—Тошкент тезюрар пассажир поездини тортиб юрувчи янги «Стрела» тепловози йўлда.

О. Тўхтахўжаев фотоси.

## ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БОЛГАРИЯДА

СОФИЯ, 20 август. (ТАСС). Болгария Халқ Республикасидаги Хасково округининг меҳнаткашлари Узбекистон ССР Тошкент областининг колхозчилари ва саноат корхоналарининг ишчилари билан мусобақа бошлаганига уч йил бўлди. Узбекистон Коммунистик партияси Тошкент саноат область комитетининг секретари Х. Р. Мусохонова бошчилигида Тошкент областининг партия-иқтисодий делегацияси,— дейилади БТА агентлигининг хабарида,— қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасида тажриба алмаштириш учун неча Хасковога келди. Делегация округда бўлган вақтида бир қанча саноат корхоналарини ва меҳнат кооператив деҳқончилик хўжаликларини бориб кўради, меҳнаткашларнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган муваффақиятлари билан танишади.

Болгария Компартияси Хасково округ комитетининг биринчи секретари Г. Корцанов ҳамда округнинг бошқа партия ва хўжалик раҳбарлари округ чегарасида делегацияни самимий кутиб олдилар.

### УРТОҚ ПАЛЬМИРО ТОЛЬЯТТИ СОҒЛИГИНИНГ 1964 ЙИЛ 19 АВГУСТДАГИ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ

Рим университети медицина факультетининг хизмат кўрсатган арбоби профессор Чезаре Фругони, профессор Марио Спаллоне, академиклар В. Х. Василенко, Е. В. Шмидт, хизмат кўрсатган фан арбоби профессор А. М. Марков, профессорлар Р. А. Ткачев, О. С. Горбашева иштироки билан кеча ва бугун консилиумлар ўтказилди.

Касалликнинг ўтиши батафсил анализ қилиниб, бемор кўриб чиқилганидан кейин ўртоқ Пальмиро Тольяттида мияга қон қуйилиш натижасида бошланиб кетган инсульт борлигини консилиум якдиллик билан тасдиқлади.

Кейинги кунларда бронхопневмония эўрайиб кетганлиги учун ҳам касаллик айниқса оғир ўтмоқда. Коматозлик ҳолати ўнчалик чуқур бўлмай қолди.

Ўтказилаётган ва бундан буён ўтказилмоқчи бўлган даволаш чоралари хусусида бамаслаҳат тўла бир фикрга келинди.

Беморнинг температураси 38,0 бўлиб турибди, нафас олиши минутига 30 та, томир уриши бир маромда минутига 90-100 та, томирда қоннинг юриши яхши, қон босими — 130/80—150/90.

Профессорлар: **Чезаре Фругони, Марио Спаллоне**

академиклар: **Владимир Василенко, Евгений Шмидт**

профессорлар: **Александр Марков, Роман Ткачев, Ольга Горбашева.**

### РАКЕТАНИ УЧИРИШ КЕЧИКТИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 август. (ТАСС). Кеннеди бурунидан (Флорида штати) олинган хабарга кўра, момақалдироқ разряди «Титан 2» ракетасига ҳамда икки космонавт тушган капсулани орбитага чиқариш мўлжалланаётган «Жеминай» ракета системасининг ер устидаги ускуналарига жиддий зарар етказган. Бунинг натижасида деб хабар беради Ассошиэйтед Пресс агентлиги, шу йилга мўлжалланган учириш кечиктирилади. Яшин тушиши оқибатида ракета системасининг электрон қисми элементлари шикастланган. Бу эса узоқ вақт давомида текширишни ва шикастларни бартараф қилишни талаб этади. Космик марказ расмий вакилининг таъкидлашига қараганда, ракета системасидаги электр симларининг узунлиги 800 миляга баравар.

### ЧИН ҚАЛБДАН ТАШАККУР

НИКОЗИЯ, 19 август. (ТАСС). Кипр Республикаси грек миллий палатасининг бўлиб ўтган мажлисида палата раисининг ўринбосари З. Периодис катта нутқ сўзлади. 1959 йилда Кипрга мажбуран қабул қилдирилган Цюрих-Лондон битими, деди у, ўтган йил декабрь ойида оролдаги қонли тўқнашувларга сабаб бўлди. Турция самолётлари Кипрга ҳарбий ҳужум қилганидан сўнг аҳвол айниқса кескинлашиб кетди. Биз, деди Периодис, бу вахшийона ҳужумларни, шунингдек ўзларини либерал қилиб кўрсатишга интилаётган АҚШ ва Англия ҳукуматларининг позициясини қатъиян қоралаймиз. Улар президент Макариоснинг мактубига аслини олганда ҳатто ҳозир ҳам ҳеч қандай жавоб бергандари йўқ.

АҚШ ва Англия, деди Периодис, туркларни ана шу вахшийликка рағбатлантирдилар ва Хавфсизлик Кенгашида Кипрдаги аҳвол муҳокама қилинганда шармандали роль ўйнадилар. АҚШ ва Англия ўзларининг турк агентлари билан бирга ҳаракат қилдилар, деди у.

«Ким бизга душман-у ва ким чин дўст эканлигини яхши тушунамиз, — деди сўзининг охирида Периодис. — Биз Совет Иттифоқига унинг доимий ёрдами ва кўмаги учун ҳамда келажакда ҳам бизга бу ёрдамни бериб туришга тайёр бўлганлиги учун чин қалбдан ташаккур изҳор қиламиз. Ўз курашимизда бизга ёрдам кўрсатишга розилик билдирган бошқа ҳамма мамлакатлардан ҳам миннатдормиз. Биз Кипр ҳукуматини қатъиян ва тўла қўллаб-қувватлаймиз. Бизнинг курашимиз ҳаққоний курашдир».

### ОЗОДЛИК ОРОЛИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

МОНТЕВИДЕО, 19 август. ТАСС мухбири Е. Ельшов хабар беради. Уругвай пойтахти — Монтевидео шаҳрида Озодлик оролини қўллаб-қувватлаш юзасидан «Озодлик сўл фронти» ташкил этган кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Митингда сўзга чиққан нотиқлар Америка давлатлари ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида АҚШнинг тазйиқи остида қабул қилинган Кубага қарши чораларни қаттиқ қоралядилар.

Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Альберто Суарес митингда сўзга чиқиб, Америка давлатлари ташкилотининг қарори — «контрреволюцияга даъват қилишдир, Кубага ва унинг революциясига қарши қаратилган агрессив планнинг бир қисмидир», деди.

Радио орқали олиб эшитилган митингнинг қатнашчилари Америка давлатлари ташкилотининг резолюциясига бўйсунмасликни, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик сиёсатига қаттиқ амал қилишни ҳамда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилишни ҳукуматдан якдиллик билан талаб этдилар. Улар мамлакатнинг барча меҳнаткашларини ўз сиёсий маслакларидан қатъи назар, Куба билан бирдамлик ҳаракатини кучайтиришга чақирдилар.

Зўр муваффақият билан ўтган митинг ҳукуматни Куба билан муносабатларни узишга ундаётган реакцион кучларнинг кирдикорларига жавоб бўлди.

### СОВЕТ ЖАНГЧИЛАРИ ХОТИРАСИ

*УЛАН-БАТОР, 19 август. (ТАСС). Халхин-Гол ёнида япон агрессорлари устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллиги муносабати билан Чойбалсан шаҳрида монгол халқининг озодлиги ва мустақиллиги йўлида ўз жонини фидо қилган совет учувчиларига ёдгорлик очиш маросими бўлди, деб хабар беради Монцамэ агентлиги.*

*Ёдгорликни очиш маросимида Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари С. Лувсан, армия генерали А. Л. Гетман бошчилигидаги совет делегацияси, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари ҳозир бўлдилар.*

## Реклама ва эълонлар

### ТЕЛЕВИЗОР

**21 АВГУСТДА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Болалар учун ҳикоялар**, 18.35 — **Менинг Деснам** (ҳужжатли фильм), 18.45 — **Телевизион янгиликлар**, 19.05 — **«Зангори кема» капитанлари** (Ёшлик» студияси кўрсатади).

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.40 — **Телевизион янгиликлар**, 21.00 — **Шеърий сатрлар**, 21.30 — **Дўстларга очиқ қалбимиз**, 21.50 — **Навқирон Осиё баҳори** (ҳужжатли фильм), 22.10 — **Концерт** (камер асарлардан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Олмаота телестудияси эшиттиришлари.**

### ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/VIII да **Шаҳризода, Штраусиана, Болеро**, 22/VIII да **Чио-Чио-Сан.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/VIII да **Кимга тўй, кимга аза**, 22/VIII да **Жон қизлар.**

### КИНО

**ҚИШКИ БИНОДА:**

**Каро** — «ВАТАН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

**Серёжа** — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

**Тудор** (1 ва 2-серия)—«ИСКРА» (кеч соат 8-20 минутдан), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 ва кеч 8 да).

**Рокко ва унинг биродарлари** — «ИСКРА» (кеч соат 7 гача).

**Ишларинг қалай, йигитча?** — «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

**Қиморхонадаги фирибгарлик** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 6 да).

**ЁЗГИ БИНОДА**

(кеч соат 8-45 ва 10-20 минутда)

**Унутилмас баҳор** — «ОКТЯБРЬ».

**Оила тумори** — «ВАТАН».

**Насриддин Бухорода ва Насриддин саргузаштлари** — НАВОИЙ номли.

**Рокко ва унинг биродарлари** — «ФЕСТИВАЛЬ».

**ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА**

1964/65 ЙИЛ ҚИШКИ МАВСУМИНИНГ

**ОЧИЛИШИ**

22/VIII да — **Мирзо Улуғбек.**
23/VIII да — **Қутлуғ қон.**

Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун билетларга заявкалар қабул қилинади.

**«ТАШОБЛКНИГОТОРГ»**

**ҳозирдан 20 сентябргача ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН**

**Китоб ойлиги ўтказади**

Китоб бозорлари, магазиналари ва киоскаларини келиб кўринг!

2-сон

**ШАҲАР ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**

**тоқарлар, металл фрезерчилари, механик слесарлар, саноат маҳсулотини йиғувчи слесарлар ихтисосларига**

1964/65 ўқув йили учун

**ўқувчилар**

**ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ**

8-10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 10 ойдан 2 йилгача.

Ўқувчилар машинасозлик техникумларининг 3-курси даражасида стипендия билан таъминланади.

Қабул комиссияси эрталаб соат 9 дан кундуз 5 гача ишлайди.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Полиграф кўчаси, Авиацион проезд, 10-уй (10-трамвай, 8, 10, 14-автобуснинг «Максим Горький остановкаси).

**УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ МАТБУОТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИГА**

Давлат комитети корхоналари учун тугал ҳисоботга **старший бухгалтерлар**, аппаратда ишлаш учун **бухгалтер-ревизор**, ремонт-қурилиш участкаси учун: **сантехмонтаж ишларига механик**, малакали **электр пайвандчи, қурилиш мастерлари, ғишт терувчилар, сувақчилар**

**КЕРАК**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй, ремонт-қурилиш участкаси (ҳовлида, биноний ўнг қаноти).

Бухгалтерлик ишн масаласида шу бинонинг 2-қават, 11-хонасида Давлат комитетининг надрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.


*«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.*

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, Навоий Восток кўчаси, 28уй.

**РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** редактор — 29004. Редактор ўринбосари 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.*

Р. 11085. ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1823.